

Бизнинг мамлакатимиз —
кўпмиллатли мамлакат.
Уларнинг тинч-тотув,
баҳамжиҳат ва аҳил яшаб,
меҳнат қилаётгани —
бизнинг улкан бойлигимиз.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqra boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 25-yanvar, chorshanba № 7 (8968)

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг
25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи*

Қадри дўстлар!
Сизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини кутлуг сана — Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.
Маълумки, бизнинг қадимий ва соҳаватли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.
Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожда янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбия-

лаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.
Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир. Биз барчамиз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ана шу том маънодаги бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.
Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз — Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона

меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.
Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз қўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ
МАРКАЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ
МАРКАЗЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Базарбаева Нуркул Алимбаевна — Навоий вилояти Конимех тумани қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли, Конимех туманидаги «Жас тулек» ансамбли бадий раҳбари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Миронов Сергей Александрович — Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

Юртимизда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Муҳаммадиев Насриддин — Республика байналмилал маданият маркази директори

(Давоми 3-бетда.)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 январда қабул қилинган фармонида мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 24 январь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган, дўстлик, аҳиллик байрамига айланган ушбу айёмнинг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуд куни арафасида ўтаётганида теран маъно мужассам. Буюк йўлбошимиз истиқлолнинг илк кунларидан тинчлик ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратди. Мустақиллигимиз эълон қилинган тарихий нутқида «Республикамаизда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллариининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ МАМЛАКАТ

**«Ўзбекистон»
халқаро анжуманлар саройида
24 январь куни
Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**



Тадбирга миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари аввал Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, пор-

лоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Байрам тадбири очик деб эълон қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 24 январь куни миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари билан учрашди. Учрашув қатнашчилар

ри ва улар тимсолида кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги билан самимий табриклади. Давлатимиз раҳбари миллий маданий марказлар фаолларидан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

(Давоми 3-бетда.)

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунаромандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўймоқда.

Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бераётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирларни асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДХ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланигандан далolat беради. Ушбу ташкилотларнинг серкирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мurosасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятнинг парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва оқойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари ва

зирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла", "Нуруний" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар, ўйлашмики, маданият ва маърифат, ёшларнинг миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бутун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир.

Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жиғислигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи гояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришимиз мумкин.

Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Масалан, яқинда менга мослаштирилган биноларда жойлашган қатор марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ўзларининг меҳнат шарафларини яхшилашга қўмаклашиш тўғрисида мурожаат қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиз кўрмисига кўч қўшиб турган, илгари "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига беришни ва уни Дўстлик саройи деб номлашни таклиф этаман. Биз мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарорини қабул қиламиз.

Ана шу бинонинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб келаётган боғни "Дўстлик боғи" деб номлашни таклиф қиламан.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Н.Арипов тегишли идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда мазкур

боғ ҳудудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча эзу элат вакиллариининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик анъаналарини намойиш этиши учун павильонлар барпо қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Наврўз байрами арафасида очилган янги боғ эса энди буюк аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади.

Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг яна бир долзарб вазифаси, деб ҳисоблайман.

Агар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир миллий маданий марказнинг фаоллари ўзларининг тарихий ватанлари билан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни янада фаол ривожлантирадиган бўлса, ўйлашмики, мақсадга мувофиқ бўлади. Республика байналмилал маданият маркази биз учун муҳим бўлган бу масалада катта вазифани бажариши керак.

Ишончмани, яна бир таклифни сизларнинг барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда шундай тажриба шаклланганки, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси турли миллат ва элатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир йилда атиги икки-уч марта, энг аввало, Наврўз байрами кунларида танишиш имкониятига эга, бу албатта етарли эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика байналмилал маданият маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва халқлар вакиллариининг бетақдор маданияти, халқ ҳунаромандчилиги, анъана ва урф-одатлари билан тизимли ва доимий асосда таништириш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва ҳар йили йил давомида уни амалга ошириши айтиш мумкин бўлур эди. Бунинг учун уларга мамлакатимиздаги энг яхши концерт майдончалари, театр сахналари ва кўргазма залларини бериш керак.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси турли халқлар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитишига, бизнинг кўп миллатли Ўзбекистонимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини янада

ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Биз сизлар билан мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йил бошида учрашиб турганимиз чуқур раъзий маънога эга.

Одамларнинг дарду ташвиши, манфаатларини ўйлаб яшаш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Ишончим комил, сизлар ана шу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этасиз. Халқимиз сизларнинг биз учун ўта муҳим, шунчалик зарур фаолиятингизни юксак қадрлайди ва у муносиб баҳоламмоқда.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг юздан ортқ фаоллари фариш унвонларга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар фуқароимиз Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан мукофотланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни шахсан танийман, аксариятингизни телевидение, матбуотдаги чиқишларингиз орқали биламан ва бугун бошқаларга ўрнак бўладиган, халқимизнинг бирлиги ва жиғислигини мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшаётган яна 20 нафардан зиёд ташаббускор ва фидойи юрдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топиришдан хурсандман.

Уларнинг орасида Навоий вилояти Қонимех туманидаги қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли Нуркул Базарбаева, Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси Аниис Гатауллина, Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси Фаина Голубцова, Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси Пулатбек Изюмов, Жиззах вилояти қорейс миллий маданий маркази раиси Олег Ким, Фарғона вилояти яхудий миллий маданий маркази раиси Семён Абдурахмонов, Тошкент шаҳридаги литва миллий маданий маркази раиси Лидия Довидайтис, Самарқанд вилоятидаги немис миллий маданий маркази

раиси Наталья Кайзер, Нукус шаҳридаги "Славутин" украин миллий маданий маркази раиси Ольга Миронец, Қашқадарё вилоятидаги тожик миллий маданий маркази раиси Абдурашул Эргашев каби юрдошларимиз бор.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Ниёзмухаммад Панжиев, Бухоро вилоятидаги турк миллий маданий маркази раиси ўринбосари Жума Шукуров, республика озарбайжон миллий маданий марказининг "Озарбайжон қизлари" ансамбли бадий раҳбари Кайкеп Алиева, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли Аразмуҳаммет Аббаев, Андижон вилоятидаги қирғиз миллий маданий маркази фаоли Умўтхон Маматалиева, республика арман миллий маданий маркази фаоли Георгий Саакос ва бошқалар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар биргаликдаги савий ҳаракатлари билан энг муҳим вазифани бажармоқда, яъни мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшмоқда.

Энди учрашувимизнинг ҳажжонли қисмига ўтиш — Ватанимизнинг юксак мукофотларини топиришга руҳсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, жонажон Ўзбекистонимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги йўлида беғараз меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорчилигини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизлар билан, кўп миллатли ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда эркин демократик ва фаровон давлат қурашимиз ҳамда қўзлаган юксак мақсадларимизга албатта эришамиз.

Сизларнинг барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва омад, оилавий бaxт, хонадонларингизга файзу баракат тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратқонимиз ўзи қўласин! Гўзал диёримизда доимо тинчлик-оқойишталик барқарор бўлсин!

Ватанимиз осмони ҳамиша мусалло, халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

2017-yil 25-yanvar, № 7 (8968)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФармониРЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ
МАРКАЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИНИНГ
БИР ГУРУХ ФАОЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Дўстлик» ордени билан

Абаев Аразмухаммет Аллабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли, Тўртқўл тумани «Мекан» газетаси бош муҳаррири

Алиева Кайкеп Мириевна — Республика озарбайжон миллий маданий марказининг «Озарбайжон қизлари» ансамбли бадий раҳбари

Гатауллина Аниса Адихамовна — Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси

Голубцова Фаина Семеновна — Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси

Изюмов Пўлатбек Алламович — Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси

Каримов Бахтиёр Раҳмонович — Республика байналмилал маданият маркази фаоли, Тошкент давлат техника университетининг «Фалсафа ва миллий ғоя» кафедраси профессори

Ким Олег Антонович — Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси

Маматалиева Умۇтхон Ихволовна — Андижон вилояти қирғиз миллий маданий маркази фаоли, Жалақудук туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби директори

Эргашев Абдурасул — Қашқадарё вилояти тожик миллий маданий маркази раиси, Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг «Автоматика ва ахборот технологиялари» кафедраси профессори

«Шўхрат» медали билан

Абдурахманов Семен Пинхасович — Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси

Довидайтис Лидия Григорьевна — Тошкент шаҳар литва миллий маданий маркази раиси

Кайзер Наталья Филипповна — Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Канаев Динислом Акимбаевич — Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

Миронец Ольга Артемовна — Нукус шаҳридаги «Славутич» украин миллий маданий маркази раиси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

Мурадов Анвар Махмудович — Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази фаоли, «Овози тожик» газетасининг Наманган вилояти бўйича муҳбири

Панжиев Ниёзмўхаммад Рўзимўхаммедович — Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Миришкор туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Сааков Георгий Ашотович — Республика арман миллий маданий маркази фаоли, «Депи Апага» журналі бош муҳаррири

Халибаева Нуртожи Тоштоновна — Фарғона вилояти қирғиз миллий маданий марказининг «Сулук қиз» ансамбли бадий раҳбари, Фарғона туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Шайкулов Қурбонмурод Чорйёркулович — Сурхондарё вилояти туркман миллий маданий маркази фаоли, Узун туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори

Шубникова Нина Афанасьевна — Тошкент шаҳар «Свитанак» белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

Шукров Жума Котибович — Бухоро вилояти турк миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Бухоро шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 январьВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК
МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади», деб давлатимиз сиёсатини, жамиятимиз истиқболини белгилаб берган эди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидagi нутқда мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзининг устувор вазифаси, деб ҳисоблашни алоҳида таъкидлади.

Республика байналмилал маданият марказининг 25

йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам мамлакатимизда инсонпарвар, тинчликпарвар сиёсат изчил давом эттирилаётганининг яна бир ҳаётий тасдиғи бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев учрашувда ушбу муҳим масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратиб, миллий маданий марказлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун зарур барча ишлар амалга оширилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус миллий ма-

даний маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Динислам Канаев, Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчиси Наталья Кайзер, Республика қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматулла Жабборов тинчлик ва миллатлараро тотувлик барқарор юртимизда яшаш улкан бахт эканини, бу кун уларнинг қалбида бир умр муҳрланиб қолишини таъкидлади, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбириЎЗБЕКИСТОН — КЎП МИЛЛАТЛИ
АҲИЛ МАМЛАКАТ

ЎЗА суратлари.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тантанали маросимда ана шу тадбир тафсилотлари намойиш қилинди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарорига биноан мамлакатимизда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди.

1992 йили Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг 10 миллий маданий маркази фаолият юритган бўлса, бугун улар 137 тага етди.

— Ўзбекистонда туғилдим, шу ерда таълим-тарбия олдим, оилали бўлдим, шу буюк ва муқаддас Ватан фарзанди эканимдан фخرланаман, — деди Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Агрипина Шин.

— Мамлакатимизда миллий маданий ранг-баранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлангани барқарорлиқни таъминлашда, жамиятимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларини мустаҳкамлаш бора-бора катта тажрибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда, кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ўтказилди.

— Бугун ҳаётимда жуда қувончли кун, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Шўхрат" медалини кўксимга тақиб қўйди, — деди Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раиси-

нинг ўринбосари Нина Шубникова. — Ўзбекистон — тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва бахт мамлакат. Бу муқаддас Ватанда ҳар бир инсон, миллати, дини ва тилидан қатъи назар, меҳнат қилса, халқимиз уни ардоқлайди.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган катта байрам дастурида санъат усталари ва миллий маданий марказлар бадий жамоалари ижросида Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

ЎЗА

Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган медиа-ҳафталик ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда миллий ва халқаро экспертлар, журналистлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамлаб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний баргиркенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўйбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Иқтисодиётда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган, эски бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор муносабатларига бошқича-бошқича ўтилган, пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати учун йўл очиб берилгани макроекономик қўллашнинг юқори суръатлар билан ривожланиши таъминлаш, энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт

мақсадида ташкил этилган медиа-ҳафталик доирасида Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналиши бўйича мутахассислар тақдимотлари, улар юзасидан очик муҳокама ва мунозаралар, анжуманлар, брифинглар, ток-шоулар ўтказилмоқда.

Ҳафталик иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида зamonaviy ахборот технологиялари билан жиҳозланган медиа-майдонча ташкил қилинган. Бу ерга юқори тезликдаги интернет ва wi-fi алоқаси билан таъминланган компьютерлар, пресс-китлар ўрнатилган. Нодавлат ҳудудий телестудияларнинг Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ёшлар мультимедиа телекомплекс билан онлайн боғлиқликлари йўлга қўйилган.

— Мамлакатимиз хавфсизлиги, тараққиёти ва сиёсий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаронинг иштирокини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир, — дейди Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Светлана Ортикова. — 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини мутахассис ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган ушбу медиа-ҳафталик бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳафталик доирасида тайёрланган барча медиа материаллар телерадиостанциялар эфирлари орқали тезкорлик билан узатишмоқда, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириб боришмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Элим деб, юртим деб яшаганлар ҳеч қачон унутилмайди

Халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти, ёруғ келажаги учун умрини бағишлаган инсонлар номи абадийга дахлдордир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ана шундай саодатга мушарраф бўлган, халқимизнинг меҳрини қозongan, миллионла одамларнинг қалбидан мангу жой олган тарихий шахс эди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Буюк Йўлбошчимиз таваллуд тогган кун — 30 январь санасини нишонлашга тайёргарлик қилинмоқда. Таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ушбу сана муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилаётир.

Тадбирларни байрамона руҳда ташкил этишда Республика Маънавият тарғиботи маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Қасба уюшмалари федерацияси кенгаши каби турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар фаол иштирок этмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Ҳабибий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ва Сергели тиббиёт коллежидида бўлиб ўтган тадбирларда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги улкан хизматларини ёшлар онгу қалбига синдириш тарбиявий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, уни зamonaviy асосда тараққий эттириш стратегиясини ишлаб чиққан, ҳаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозongan буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғланади.

— Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунла-

римиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак, — дейди Ҳабибий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Бегматов. — Буюк Йўлбошчимиз таваллуди муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда халқимизга, айниқса, ёшларга бу ҳақда атрофлича ҳикоя қилиб бермоқдамиз.

Самарқанд давлат университетида ўтказилган ана шундай тадбирда Ислам Каримов ҳаёти ва фаолияти, бой маънавий мероси ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси М.Қуროнов, "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири С.Остонов ва бошқалар илгирима беш йил ичида Ўзбекистоннинг дунёда ўз муносиб ўрнига эга бўлгани, жадал иқтисодий тараққий этиши, аҳоли турмуш даражасининг муттасил ўсиб бориши Биринчи Президентимиз фаолияти, пухта ва узққни қўллаб олиб борган сиёсати билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Айниқса, тарихий ҳақиқатнинг қарор топиши, заминимиздан етишиб чиққан буюк ақломларимиз номини абадийлаштириш ва улар меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш борасидаги ишлар халқимиз маънавий ҳаётини бутунлай янгилаб, янги давлат, янги жамият барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори бўлди.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил қисқа даврда ҳаётда ўзини оқлаб, дунё давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан тараққиётнинг "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилди, — дейди Тошкент давлат юридик университети доценти Эшмуҳаммад Қодиров. — Қўллаб-қувватлаш бу тамойиллардан намуна олишга, уни ўз сиёсатига тарғиб этишга интильди. Таълим тизимидаги ислохотлар, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши мамлакатимиз эришган муваффақиятларнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Шундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Д.КАРИМОВ,
Ғ.ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

Самимий ва даъваткор сўзлар

эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлаб, зиммамизга масъулият юклади

Педагог бўлганим туфайли таълим-тарбияга тааллуқли ҳар бир ахборот дарров эътиборимни тортади. Маданий тараққиёт ижтимоий ва илмий-техник ривожланиш асосида рўй берса-да, бунинг ўзига инсоннинг баркамол бўлиб етишиши учун ҳамиша ҳам етарли бўлавермайди, деган фикр доим ҳаёлимда туради.

Ҳар бир одамни қисқа вақт ичида шу макомга кўтариш вазифаси таълим-тарбия соҳаси зиммасидадир. Шунинг учун ҳам яхши ниятлар билан ёрқин келажакни орзу қилган ҳар қандай давлат таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратади. Бу соҳани ривожлантириш учун бор имкониятини ишга солади. Уни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий ажунари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг му-

ҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб, юртимизда таълим-тарбия соҳасидаги янги-янги ланшади изчил давом этишидан миннатдор бўлдим.

Маърузада Президентимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимиздаги жиддий муаммолар ҳақида сўз юритиб, уларнинг ечимига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, бугунги кунда долзарб масалалардан бир бўлган қасб-хунаҳ коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича билдирган

таклифлари тизимдаги барча педагоглар томонидан қизғин қутиб олинди. Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг Олтинқул тумани мисолида коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаб бергани жойлардаги мутасаддилар учун намуна бўлиши шубҳасиз. Бу, таъбир жоиз бўлса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан билдирилган энг мақбул ечим ва амалий тасвирдир.

Президентимизнинг ушбу маърузасида педагог сифатида мени қўп ўйлантирадиган, баъзан таъшишга соладиран яна бир муҳим масала — дарсликларнинг савияси, салоҳияти ва самарадорлиги тўғрисида ҳам сўз борди. Ҳақиқатан ҳам, давлат бюджетидан ажратилган, салмоқли маблағ эвазига чоп этиладиган дарсликлар ўқитув-

чини ҳам, ўқувчини ҳам ҳар жиҳатдан қониқтириши керак. Бу йил яратилган дарслик икки-уч йил ичида давр талабига жавоб бермайдиган ҳолатга келиб қолса уни чоп этишдан манфаат борми? Замоннинг ривожланиш суръати жуда тез, деб эътироз билдириш мумкин. Бу қисман тўғри, бироқ дарслик яратиш деоворга бўёқ сурши эмаслигини доим ёдда сақлашимиз шарт.

Юртимизда академик лицей ўқувчилари учун турли тилларда нашр этилган физика дарсликларини таққослаб, бир неча тафовутларга дуч келиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида тайёрланган дарсликда битта мавзуга икки саҳифа ажратилган бўлса, бошқа тилдагида шу мавзу битта хатбошига жойланган. Назаримда, физика дарслигини турли тилларда ёзадиган муаллифлар-

ни жалб этиш шарт эмас. Энг маъқул деб топилган битта дарслик бошқа тилларга таржима қилиб чиқарилса, маблағ, вақт ҳамда меҳнат кучини тежаш имконига эга бўламиз.

Маъруза маъруза мазмун ва кўлам жиҳатидан халқимиз ҳаётида гоят катта аҳамият касб этишини барча юртдошларимиз чуқур ҳис этди. Бунинг неча жумлада ифода этиш мумкин. Маърузада кўзда тутилган мақсадни тўлақонли ағнаб, белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш учун биз таълим-тарбия ходимларидан уйғоқ қалб билан яшаб, сидқиқилдан билим бериш, қасб-хунаҳ ўргатиш талаб этилади.

Шерназар ҚўШНАЗАРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институтини қошидаги Олмасор академик лицейи ўқитувчиси

2017-yil 25-yanvar, № 7 (8968)

Патронаж хизмати истиқболлари

кадрлар салоҳияти ва масъулияти билан белгиланади

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, тиббиёт ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усуллари кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йиллар давомида халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган бу каби ишлар бугун изчил давом эттирилмоқда. Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам бажаришимиз лозим бўлган қатор долзарб вазифалар борки, уларни тўлиқ адо этмасдан туриб, юртимизда юқори сифатли, аҳолининг талаб ва эҳтиёжга мос тиббий хизматни йўлга қўйиш мушкул.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январда соғлиқни сақлаш соҳасининг етакчи мутахассислари билан учрашувда олдимизда турган муҳим вазифалар, муаммолар ҳақида тўхталиб, тиббий хизматни янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор йўналишларни белгилаб берди.

Жумладан, учрашувда жойлардаги патронаж хизмати фаолияти ҳам танқидий баҳолаб, бунинг натижасида келиб чиқаётган муаммолар очик-ойдин тилга олинди. Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги "Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чоратadbirlar тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, патронаж ҳамширасининг иш самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолаб, юқори кўрсаткичларга эришган ҳамшираларни моддий рағбатлантириб боришининг йўлга қўйилгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Афсуски, юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан бу йўналишда тиббий хизмат кўрсатиш сифати мақтанарли даражада эмас. Патронаж ҳамшираси, аввало, алоҳида меҳр-эътибор, қўмак, парвариш, ғамхўрликка муҳтож инсонлар, хусусан, кексалар, беморларга ёрдам кўрсатиши, бир сўз билан айтганда, касалликларнинг олдини олиши даркор. Ҳар бир патронаж ҳамширасига ҳудуднинг жүғрофий ёндашувидан келиб чиқиб, муайян контингент бириктирилган. Юқоридаги қарорга асосан патронаж ҳамшираси бир кунда олтига, бир ойда 144 та хонадонга патронаж хизмати кўрсатиши белгиланган. Парваришга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, ҳомилдор аёллар, бир ёшга тўлмаган болалар, ногирон болалар, яқинда фарзанд кўрган оналардан мунтазам хабар олиш унинг ҳам касбий мажбурияти, ҳам инсоний бурчидир. Шунингдек, ёш оилалар, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларни ҳам ўз вақтида текширувдан ўтказиш, аҳолини тиббий профилактикага кўригига, болаларни эмлашга тўлиқ қамраб олиш, эмлаш натижаларини кузатиб бориш, оилаларга тиббий маърифат тарқатиш патронаж ҳамширасининг долзарб вазифалари сирасига кириди.

Афсуски, бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган 18 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари, патронаж ҳамширалари зиммасига юкланган шу вазифаларни тўлақонли бажара олаётти, деб бўлмайди. Ис-

лохотларни тўлиқ англаб етмайдиган, замон талабига жавоб бера олмайдиган патронаж ҳамшираларининг касбий ўқувсизлиги ёки масъулиятсизлиги туфайли кўплаб муаммолар келиб чиқиши мумкин. Мисол учун, республикамизда эмлаш ва қайта эмлаш, унинг натижаларини мониторинг қилиш жуда муҳим аҳамият касб этса-да, ҳудудларга бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан аҳолининг барча қатламларини тиббий хизмат билан қамраб олиш жадвали тўлиқ шакллантирилмаган. Бу эмлаш, қайта эмлаш ҳамда унинг натижаларини мониторинг қилиш тизимида камчиликларга сабаб бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишлардаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғида оила ҳамширасининг кунлик иш юкларини белгиллаб берилган. Унга кўра, тегишли ҳудуд ҳолатидан келиб чиқиб, ҳамшира ва умумий амалиёт шифокори ўзи учун кунлик, ойлик режаларни шакллантириши лозим. Аммо бу жараёнда ҳам аксарият патронаж ҳамшираларининг иш режаси шунчаки ҳисобот учун, эътиборсизлик билан тўлдирилиши кўзга ташланмоқда. Уларнинг аҳоли билан алоқаси ҳам қониқарсиз даражада.

Яна бир муаммо — умумий амалиёт шифокорлари — кадрлар етишмовчилигидир. Айни шу омил патронажнинг тўлиқ қамраб олиш салоҳиятига, ҳудудлардаги оилалар ҳақидаги маълумотлар ҳаммамий қолишига сабаб бўлаяпти. Ҳамширада масъулият билан бирга тиббий билим ва тажриба етишмаслиги ҳам ечимини кутаётган муаммолардандир. Буни ҳал этиш учун вилоятларда соҳа мутахассисларига услубий-амалий қўмак бериш, малакасини оширишни янада кучайтириш, умумий амалиёт шифокори билан патронаж ҳамширасининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Чунки умумий амалиёт шифокори ўзига бириктирилган ҳудудда патронаж ҳамшираси билан бирга фаолият олиб борса, унинг фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб, ўз вақтида кўрсатма бера олади.

Биз ҳам учрашувдан сўнг ишмизни танқидий қўриб чиқиб, ҳал этиш зарур бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Наманган вилояти туманлари кесимида умумий амалиёт шифокорлари таркибини таҳлил қилиб, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълумот тақдим этдик. Шунингдек, умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширасининг билим, кўникмаларини ошириш мақсадида туман тиббиёт бирлашмалари қошида узлуksиз касбий таълим йўналиши бўйича ўқиш сифати, олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаб билиш жараёнлари мониторингини олиб бориш сифатини кучайтиришга эътибор қаратаёلمиз.

Райҳона МАНСУРОВА,
Наманган вилояти соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамширалик иши бўлими бошлиғи

"Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак".

Юридик кадрларни тайёрлаш

талаб ва эҳтиёжга мос бўлиши лозим

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Прокуратура органлари ходимлари кўни байрами олдидан соҳа мутахассислари билан бўлган учрашувда шундай фикр билдириб, фаолиятимизга танқидий баҳо бердики, бундан барчамиз тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Ушбу нутқ

касбга сидқидилдан ёндашиш, адолат мезонлари асосида иш юритиш, юридик кадрлар тайёрлаш жараёнини тубдан янгиллаш заруратини кун тартибига қўйди. Айниқса, ҳуқуқтартибот органлари учун етук малакали, қилни қирқ ёриб иш тутадиган кадрлар тайёрлашда Президентиимиз билдирган танқидий фикр-мулоҳазалар биз профессор-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият ва улкан вазифалар юклади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йил 28 июнда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти университетга айлантирилиб, унинг мақоми, нуфузи янада оширилди. Бунга кўра, университет юриспруденция мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Янги мақомда ўз фаолиятини давом эттириб келаётган муассасамизда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси, юридик кадрлар тайёрлашнинг халқаро стандартларига ҳисобга олинган ҳолда муҳим чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

Университетимизда таълим жараёни янгиланмоқда, эски услублардан тамоман воз кечилиб, замонавий таълим стандартларига жавоб берадиган методлар, ўқитиш тизими жорий этилди. Талабаларга юриспруденция сирлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўргатилмоқда. Амалий машғулот таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш учун ўқув-семинарда мини-маъруза, экспресс сўров ва дебат уюштирилмоқда. Case-study (илмий тақдимот), kollokvium (жамоа билан ишлаш) ҳамда ўқитишнинг бошқа замонавий шакл ва услубларидан кенг фойдаланаямиз.

Университетимизда барча талабаларга жавоб берадиган етук кадрларни тайёрлаш мақсадида "Юристининг ёзма нутқи", "Илмий тадқиқот фаолияти", "Юристар учун ҳорижий тил" каби янги ўқув курсларининг таълим жараёнига татбиқ этилиши талабалар салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аmmo ўрни келганда шунини айтиб ўтиш керакки, ички ишлар, прокуратура, суд-ҳуқуқ, адвокатура тизимида фаолият кўрсатаётган юрист кадрларнинг ҳаммасини ҳам талабига жавоб беради, деб айта олмаймиз. Улар орасида амалиётдаги қўнунчилиқни четлаб ўтиб, адолат мезонларини унутаятган, жабр-

дийдан норози қилиб, аксинча, жиноятчи манфаатларини кўзлаб иш тутадиганлари учрайди. Бундай кадрларга жамиятимизда умуман ўрин бўлмаслиги керак.

Ўтган йили ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 311 минг мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар орасида прокуратура соҳасига тегишлилари ҳам талайгина. Бу жуда ачинарли ҳолдир. Барчамиз ўзимизга савол берайлик: одамларда нима учун муаммолар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эштади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, уларнинг ҳеч ким эшитмаганидан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳоли учун очик бўлганда, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат келиб тушмас эди". Президентимизнинг прокуратура органлари ходимлари билан учрашувдаги бу гаплари университетимиз педагогик жамоасини хушёрликка ундади. Чунки прокуратура органларида биз тайёрлаётган кадрлар ишлайди. Агар олий таълим муассасаси ўзи тайёрлаган кадрнинг кейинги фаолияти бўйича прогноз олиб борса, у йўл қўяётган камчиликлардан бохабар бўлса, айнан шу бўлиқни тўлдиршига таълим жараёнида эътибор қаратган бўлар эди. Афсуски, кадр қўлига олий маълумотни тўғрисида дипломни олди, унинг кейинги тақдирини билан қизикмаймиз. Аслида, ҳар бир олий ўқув юрти ўзининг собиқ талабалари муваффақияти, камчилиги ва нуқсонларидан бохабар бўлиб турса, менимча, фойдадан холи бўлмайди.

Юридик кадр — прокурор, судья, адвокат, нотариус, юрист бўлиш учун қизиқшининг ўзи камлик қилади. Бундай масъулиятли касб эгаси бўлиш учун бошланғич синфданок пухта ўқиб-ўрганиш, ҳар бир воқеани ўрганиш ва таҳлил қилишда етти ўлчаб, бир кесиб талаб этилади. Университетимизга қабул қилинаётган баъзи йигит-қизларнинг дунёқароши, фикрлаш доираси талабаларга тўғри келмаслиги соҳага чуқур киришида жиддий тўсиқ бўлаётганини сезаман. Сир эмас, кўпчилик ёшларда "Юридика — сардаромад соҳа" деган тушуна шаклланганки, шу қараш кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Агар бола ўз қобилияти, қизиқиши бўйича юрист бўлишга қарор қилса, бунинг йўриғи мутлақо бошқача бўлар эди. Қисқасини айтганда, 9-синф маълумотини эгаллаган ўсмир ёки кейинги босқичда касб-ҳунар коллежи, академик лицейни тамомлаётган ёшларнинг тўғри касб танлаш борасидаги қарорини беҳато шакллантиришига биз педагоглар эътиборли бўлишимиз керак.

Баъзан аҳоли орасида ҳуқуқий саводхонлик етарли эмаслигини кузатамиз. Демак, амалдаги қонунларни шарҳловчи, оммага содда ва тушунарли тарзда етказувчи шарҳловчи-юристка эҳтиёж сезилади. Шарҳловчи-юрист тайёрлаш жараёнига киришилаётган вақт келди, назаримда.

Феруза МУХИДДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Yangiliklarda yurt nafasi



Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарларидан иборат гуруҳлар жойларда аҳоли билан очик мулоқот ва учрашувлар ўтказмоқда.

Нукус шаҳридаги "Ёшлар маркази" да бўлиб ўтган шундай учрашувда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси Ш.Жавлонов, "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини янада ошириш, оилалар фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Учрашувда жойларда ечимини кутаётган муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини белгилаш, mavjud заҳира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

Наманган шаҳрида "Наманган китоб олами" масъулияти чекланган жамиятининг яна бир китоб дўкони иш бошлади.

"Наманган китоб олами" масъулияти чекланган жамияти хусусий тадбиркор Маъруфжон Мўминов томонидан 2016 йилда ташкил этилган. Тадбиркор 400 миллион сўмга яқин банк кредити кўмагида китоб савдоси ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган тўрт қаватли замонавий мажмуа қурди. Қўрам бинонинг биринчи қаватидан мўъжаз ўқув зали ва енгил тамаддихона жой олган. Китоб савдосига мўлжалланган иккинчи қаватда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадний, илмий-оммабоп, болалар адабиёти, дарсликлар каби йигирмага яқин бўлим мингдан ортиқ номдаги китоблар билан тўлдирилди. Мажмуада ёш ота-оналар учун ҳам қўлайликлар яратилган. Улар кичинтойларини турли ўйинчоқлар билан тўлдирилган махсус жойда қолдириб, хотиржам китоблар билан танишиши мумкин. Мажмуанинг учинчи ва тўртинчи қаватларида хорижий тилларни ўқитиш маркази, кичик босмахона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Наманган шаҳрининг Алишер Навоий номидаги марказий кўчасида очилган янги китоб дўкони ҳам тадбиркорнинг истиқболли лойиҳаларидан биридир.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежидида "Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Мазкур тадбир биз, ўқувчиларни мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, унга эришиш йўлида не-не заҳматлар чекилганини англаш ва уни қўзғачигидек асрашга чорлаши билан аҳамиятлидир, — дейди коллеж ўқувчиси Ш.Бўриева. — Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Бундай ғамхўрликка ўғил-қизларнинг жавоби ҳам албатта ижобий бўлади: аъло баҳоларга ўқиб, келажакда етук инсонлар бўлиб уляғамиз ва Ватанимиз тараққиётига ўз хиссамизни қўшамиз.

Тадбирда мустақилликкача бўлган давр ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўлмалли ислохотларни акс эттирувчи "Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш бўйича лойиҳа тақдими бўлиб ўтди.

Кейинги икки йилда Франция тараққиёт агентлиги, "Naldeo" компанияси ва "Таъмирлойд" лойиҳа институти томонидан лойиҳани тайёрлаш ва ишлаб чиқиш бўйича техник ишлар бажарилди. Худуд ўрганилиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгиланди. Ишлаб чиқилган техник ва иқтисодий кўрсаткичларга кўра, лойиҳанинг умумий қиймати 37,1 миллион евро бўлиб, унинг 23,5 миллиони Франция тараққиёт агентлиги кредити ҳисобланади.

2017—2019 йилларга мўлжалланган лойиҳа Самарқанд шаҳрида энг илгор тажрибалар ва жаҳон андозаларига мувофиқ маиший чиқиндиларни самарали ва узоқ муддатли ахлит бошқариш тизimini яратишга қаратилган, — дейди Франция тараққиёт агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Рафаэл Жозан. — Унда чиқиндиларни бошқаришнинг барча ишлари, уларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишни молиялаштириш қамраб олинади. Лойиҳа бўйича кўзда тутилган қаттиқ маиший чиқиндиларни техник қўйиш марказидан биогаз ишлаб чиқарувчи биореактор сифатида фойдаланилиб, олинган газ чиқиндиларини йиғиш транспортларига қўйилади.

Ўза ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Озода келажак сари

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари ўртасида ilk бор ташкил этилган «Биз билан озода келажак сари» республика кўрик-танловига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, олимлар ва журналистлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар шаҳарлар ва аҳоли тураржойларида экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи фойдаланишни йўлга қўйиш, электрон чиқинди муаммоларига эътибор қаратишди. Атроф-муҳит муҳофазасида чиқиндилар муаммоси, уларни бошқариш, аҳолининг экологик билим ва кўник-

маларини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига ижодий ёндашиш муҳим йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди.

— Ҳажми тез сур'атлар билан ортиб бораётган чиқиндиларни тўғри бошқариш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг долзарб муаммолардан биридир, — дейди қўмитанинг ер-сув назорати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нўмонжон Шокиров. — «Тошрангметзавод»

акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танлов «Энг яхши видеоролик», «Энг яхши постер» йўналишларида ўтказилади.

«Буюмларга эҳтиёткорона муносабат — чиқиндиларни камайтириш омили», «Шаҳар ва тураржойларда тозаланикка риоя қилиш — аҳолининг фуқаролик бурчи», «Чиқиндилар пайдо бўлиш ҳажмининг ўсиши — табиатга салбий таъсир», «Электрон техника чиқиндилари ва уларнинг ҳавфли турларига муносабат» мавзуларини ўз ичига олган ушбу танлов якунида ғолиблар қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Абдуқаҳҳор НАЗАРОВ

«Ҳар бир сўзи халқ дилидан жой олган шоир»

Нукус маиший хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидида Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

«Ҳар бир сўзи халқ дилидан жой олган шоир» мавзусида ўтган адабий-бадний кечада Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази вакиллари, Қорақалпоқ халқ шоирлари ҳамда ахборот-кутубхона марказининг бир гуруҳ ходимлари, коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар Эркин Воҳидов шеърини, шоир шахсияти ҳавас қилгулик даражада дилбар бўлганлигини айтиб ўтди.

Адабий кеча доирасида коллеж ўқувчилари ўртасида шоир шеърларини ифодали ўқиш танлови ҳам ўтказилди. Танлов натижасига кўра, коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Олтиной Қалбаева 1-ўринни эгаллаган бўлса, 1-босқич ўқувчиси Наргиза Қалжанова ҳамда 2-босқич ўқувчиси Мадина Алиева кейинги поғоналарни банд этди. Ғолиб ва совриндорларга коллеж маъмуриятининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустем ТУЛЕБАЕВ,

шу коллежнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси

Адибга эҳтиром

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ўзбекистон халқ шоири Анавар Обиджон таваллудининг 70 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ёзувчи-шоирлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўз олганлар ижодкорнинг миллийлик ва самимийликка йўрилган асарлари ҳақида гапириб, назм ва насрда баракали ижод қилиб келаётганини таъкидлади.

— Анавар Обиджон ўзбек болалар адабиётига ўзига хос

ижод услуби билан кириб келган ва бу оламни ўз ранглари билан тасвирлаётган ижодкордир, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. — Унинг сунъийликдан йироқ, теран маъно-мазмунга эга шеър-достонлари, қисса ва

драматик асарларини катта-кичик бирдек марок билан мутолаа қилади, завқланади. Қулгига бой юмористик асарлари замирида кишини мулоҳазага ундовчи, тарбиявий аҳамиятга эга гоа ва фикрлар мужассам.

Тадбир давомида пойтахтимизнинг Мировод туманидаги 154-мактаб ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқиб, асарлари асосида кичик сахна кўринишлари намойиш этди.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Энг яхши китобхон

«Болалар китоб ўқимай қўйди. Техникага берилиб кетди, телефон, интернетдан бўшамайди. Шунинг учун ҳам уларнинг маънавий олами саёллашиб бораёпти» деган фикрга ўз қундалиқ фаолиятида кўп марта дуч келадиган мактаб раҳбари Азиза Боймуродова бу гап унчалик тўғри эмаслигига амин бўлди.

Каттақўрғон туманидаги Кадан қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига тўпланган ёшлар ўтказиладиган «Энг яхши китобхон» кўрик-танловига алоҳида тайёргарлик қўриши. Беллашувга 12 та касб-хунар коллежидан китоб мутолаа қилишда тенгдошларига ўрнат бўлаётган ёшлар тақлиф қилинган. Ҳакамлар ҳайъати таркиби эса умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг тажрибали, олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларидан шакллантирилди. Кўрик-танловда китобхон ўқувчилар дунёқарашини, таассуроти белгиланган мезонларга мувофиқ бешта шарт бўйича синаб кўрилди. Ёш китобхонлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Тохир Малик, Ўткир Хошимов, Тоғай Мурод каби адиблар, Эркин Воҳидов, Абдулла

Орипов, Мухаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид сингари халқимизнинг сеvimли шоирлари асарларидан баҳраманд бўлиб келаётганликлари исботландилар.

— Қайси асар сюжети, образлари ҳақида савол бермайлик, иштирокчилар ҳозиржавоб, тезкор, мустақил фикри бор. Sevimли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан қаён», Тохир Маликнинг «Одаимийлик мулки», Ўткир Хошимовнинг «Дафтар ҳолиясидаги биткилар», «Икки эшик ораси» каби миллий колорит чуқур акс эттирилган асарлари ўсимир ёшлар маънавий ҳазинасига айланганидан хурсанд бўлдиқ, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, 28-умумтаълим мактаби раҳбари Азиза Боймуродова.

«Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ғолиблари — Кадан қишлоқ ҳўжалиги (1-ўрин), Мундён ижтимоий иқтисодиёт (2-ўрин), Қўштепа агросервис касб-хунар (3-ўрин) коллежлари жомасига «Камолот» ЕИХ, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди.

Хулкар ТҮЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Мутолаага чорловчи тадбир

Тошкент давлат техника университетида китобнинг ёшлар маънавиятида тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ етакчилар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёшлар ўртасида учраётган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда китобнинг, китобхонлиқнинг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Шунингдек, сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида китобхонлиқни ривожлантириш учун, энг

аввало, таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан бойитиб бориш зарурлиги ҳақида сўз юритишди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг китобга меҳрини ошириш, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш, бадий асарни танлаб ўқиш кераклигини ўргатиш ҳақида билдирилган тақлифлар иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Абдурахим МАҲАМАТОВ,
Тошкент давлат техника университети
1-босқич талабаси

2017-yil 25-yanvar, № 7 (8968)

“Йигит кишига қирқ хунар оз”. Бу мақоланинг аҳамияти бугунги кунда янада ортмоқда. Талаб ва таклиф қонунига асосланган меҳнат бозори кишиларни жараёнга тез мослашишга ундайди. Чунки бир муддат урф бўлган мутахассисликнинг аҳамияти вақт ўтиб сусайиши табиий ҳол. Эҳтиёж қамайган касб эгаси келгусида қандай йўл тутайди? Албатта, яна бир касбни ўрганса, ишсизлик муаммосини четлаб ўтиб, янги имкониятга эга бўлади.

Яқинда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг касб-хунар коллежларига умумий ўрта маълумот (11-синф) ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга шахсларни тўлов-шартнома асосида иккинчи мутахассислик бўйича ўқитишни ташкил қилиш ҳақидаги буйруғи эълон қилинди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-қарори билан тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом”да касб-хунар коллежлари манфаатдор вазирлик ва идоралар, иш берувчилар, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш органлари билан ҳамкорликда иккинчи мутахассисликни олишни хоҳловчи ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга шахсларни тўлов-шартнома асосида ўқитиши мумкинлиги белгиланган, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бошқармаси бошлиғи Абдухалил Раҳмонов. — Меҳнат вазирлигининг жойларда олиб борган сўровнома натижалари, қолаверса, фуқароларнинг Марказимиз ишонч телефонида мурожаатлари ўрганилган, ҳулоса қилинган, иккинчи мутахассисликни олишга талаб ва эҳтиёж ортган. Айниқса, умумий ўрта маълумотлилар ўртасида касб-хунар ўрганиб, дипломли мутахассис бўлиш истагида юрганлар жуда кўп. Бундан ташқари,

га қўйилган яна бир қадамдир.

Дарвоқе, юртимизда 2012 йилдан буён умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги тўлов-шартнома асосидаги ўқитиш қамраб олинаётган. Қабул қилган шартнома асосидаги ўқитиш қамраб олинаётган. Қабул қилган шартнома асосидаги ўқитиш қамраб олинаётган. Қабул қилган шартнома асосидаги ўқитиш қамраб олинаётган.

ларида ўқишни давом эттирмоқда. Қолган лицей битирувчилари эса муайян мутахассисликка эга бўлмаганидан ишга жойлашишда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Тўлов-шартнома асосида иккинчи мутахассислик бўйича ўқиш орқали ёшлар қўшимча касб-хунар ўрганишади ҳамда шу орқали уларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланади. Шунингдек, меҳнат бозорида малакали мутахассислар салмоғини ҳамда

ишлари амалга оширилмоқда.

Шу кунларда жойларда ўқиш истагида бўлган шахсларнинг маълумотлари базаси шакллантирилмоқда. Ўқиш истагидаги ёшлар талаб этилган зарурий ҳужжатлар ҳамда қабул режаси билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг интернетдаги расмий веб-сайти — www.markaz.uz орқали танишиши мумкин. Қабул кўрсаткичларидан ортиқча ҳужжат тушган касб-хунар коллежларида ўқишга кирувчилар саралаш синовларидан ўтади. Қабул қилинган ўқувчиларга ўрта махсус, касб-хунар таълими касблари ва мутахассисликлар тайёрлаш йўналишлари классификаторларига мувофиқ малака даражаси, эгалланган касб ва унга қўшимча мутахассисликлар кўрсатилган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат муносидаги диплом берилди. Дипломларга ўзлаштирилган умумтаълим ва махсус (касбий) фанлар (курслар), соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар (рейтинг), шунингдек, битирувчининг умумий рейтинги ва якуний давлат аттестацияси натижалари кўрсатилган ҳолда киритма варақча илова қилинди. Давлат аттестациясидан ўтмаган битирувчиларга таълим даражасига ва тақририй давлат аттестациясига 3 йил мобайнида талаб қўйилмайдиган ишга жойлашиш ҳуқуқини берадиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Коллежда иккинчи мутахассислик

ёшлар учун яна бир имконият эшигини очмоқда

бугунги кунда республиканинг кўплаб йирик корхона ва ташкилотлари ўзларида ишлаётган амалий иш тажрибасига эга ўрта маълумотли мутахассисларнинг касб-хунар коллежларида тўлов-шартнома асосида касбий билимларини ошириш бўйича ўз таклифларини билдиришган. Шуларни инобатга олган ҳолда 2016-2017 ўқув йилидан бўш ўқув майдонлари, зарур ресурс таъминоти ва ўқитувчи кадрлар мавжуд бўлган 665 та касб-хунар коллежидан 140 га яқин касб бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Бу, албатта, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, замонавий билим олишлари ва ўзлари хоҳлаган касб-хунарни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида олдин-

дастурларидан келиб чиққан ҳолда, яратилмаган янги иш ўринларининг ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилади. Меҳнат бозоридagi ўрта махсус маълумотли аниқ касб-хунар мутахассисларига бўлган реал эҳтиёжнинг ўзгариши битирувчиларни ўз мутахассисликларидан бошқа йўналишларда ишга жойлаштиришга олиб келмоқда. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида сўнгги беш йилда 2329,3 минг нафар битирувчининг 2009,1 минг нафари иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг 1088,4 минг нафари бошқа мутахассисликлар бўйича ишлаб келмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили республикадаги 143 та академик лицейни тамомлайдиган ёшларнинг 30—35 фоизи олий таълим муассасаси-

уларнинг ўз мутахассислиги бўйича иш билан бандлигини оширишга хизмат қилади.

— Ўқиш муддати бир йилу олти ой бўлиб, бу вақт давомида ўқувчи фақат ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари бўйича умумкасбий ва махсус фанлар асосида ўқитилади, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Раҳматилла Рустамов. — Ҳозир бошқармамиз томонидан умумий ўрта маълумот (11-синф) ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга шахсларни ўқитиш учун намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва таълим муассасаларига етказиш

Қобилиятини тўғри англаган

ҳаётда ўз ўрнини топишда асло қийналмайди

Тўхтамурод Мақсудхонов Чуст миллий хунармандчилик ва тадбиркорлик коллежидан ўқиб юрган кезлари тумандаги “Крошка сервис” масбуляти чекланган жамиятининг чилангарлик цехида амалиёт ўтаб юрарди. Пайвандчилик сирларини астойдил ўзлаштираётган йигит учун жамият раҳбариятининг шу корхонада ишга қолиш таклифи айни муддао бўлди. Таклиф тўрт томонлама шартнома билан мустаҳкамланган, амалиётчининг ўқишни битиргандан сўнг “Қаердан иш изласам экан?”, дея бош қотиришига ўрин қолмади. Нафақат Тўхтамурод Мақсудхўжаев, балки у билан бирга таҳсил олган 272 нафар чустлик битирувчи ҳам тўрт томонлама тузилган шартнома туфайли мунтазам иш ўрнига эга бўлди.

Чуст миллий хунармандчилик ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи халқ ҳўжалиги тармоқлари учун малакали мутахассислар етиштириб бераётган янги таълим муассасаларидан ҳисобланади. Қарийб 800 нафар ўғил-қиз олти йўналишда ўқиб олган касб-хунар сирларини ўрганаётган мазкур даргоҳни ўтган ўқув йилида 301 нафар битирувчи тамомлади. Айни пайтда уларнинг 293 нафари ўз мутахассислиги бўйича тумандаги мавжуд корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

— Коллежимизда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ўқишдан кейинги тақдирини, иш билан таъминланиши масалаларига жиддий эътибор қаратилади, — дейди муассаса директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Иштиёр Осимов. — Бу борада туман ва вилоятдаги 112 дан зиёд



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва муассасалар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўқувчиларимиз ана шу жамоаларда амалиёт ўтаб, касбий малака ва маҳоратини ошириш бариберида имконият ва қобилиятларига мос иш ўринларига эга бўлмоқда. Ўтган ўқув йили битирувчиларимизнинг 97,3 фоизи доимий иш билан таъминланганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Бир пайтлар миллий хунармандчилик ўчоғи ҳисобланган ҳудуд эндиликда энгил sanoat, қурилиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам жадал ривожланиб бораётган туманга айланимоқда. Тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришда

хусусий сектор маҳсулотлари салмоғини оширишга жиддий эътибор қаратилаётгани эса янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлаяпти. Чустда, айниқса, кейинги йилларда энгил sanoat ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар сони кўпайди. Бу юзлаб аёллар ва қизларни, биринчи галда шу йўналишда мутахассислар тайёрлаётган коллежлар битирувчиларини доимий иш

билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биргина мисол, Чуст миллий хунармандчилик ва тадбиркорлик коллежини тамомлаган 80 нафар қиз “Ўтказмажон сервис” МЧЖ каби тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналарга ишга жойлашди. Шу билан бирга, касб-хунар даргоҳининг компьютер, молия-бухгалтерия ва ёғочга ишлов бериш сингари йўналишларида таҳсил олган ўқувчилар ҳам ёшларга берилаётган маънавий-руҳий ҳамда ҳуқуқий мадд туфайли фойдали меҳнат билан банд қилинди.

— Мен шу коллежининг молия-бухгалтерия йўналишида ўқиб, ҳисобчи касбини эгалладим, — дейди тумандаги 35-мактабгача таълим муассаси

саси ҳисобчиси Гулбаҳор Раҳимова. — Ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини туман халқ таълими тизимидаги муассасаларда ўтаган эдим. Ҳозир ўзим ишлаётган жамоа раҳбарлари билан шартнома имзоладим. Айни пайтда қизиққан касбим билан машғулман ва бундан жуда хурсандман.

Чуст шаҳри марказида янги иш бошлаган “Ёкубова Нилуфар сервис” хусусий корхонасининг ёш раҳбари Нилуфар Ёкубова ҳам миллий хунармандчилик ва тадбиркорлик коллежининг собиқ битирувчиси. 2015-2016 ўқув йили бўлиб ўтган “Менинг бизнес гоём” республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллаган Нилуфар банкнинг 56 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона очди ва тенгдошларини иш билан таъминлади. Тенгқурлари Зулайхо Набижоновна, Муниса Ражабова, Шаҳзода Маърупова ҳамда Мухриддин Шарифжонов ҳам банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Чуст миллий хунармандчилик ва тадбиркорлик коллежи битирувчиларининг ҳаётда ўз ўрнини топиб, озод ва обод Ватанимиз равақига салмоқли ҳисса қўишига интилишлари замирида, шубҳасиз, юртимизда ёшлар келажагига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик, касб-хунар маскани устозларининг фидойий меҳнати ҳамда таълим-тарбия ишларининг сифатли ва самарали ташкил этилиши сингари омиллар муважжам.

Ғанишер АҚБАРОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Kitob — нур, зиё, маънавият белгиси, маърифатга олиб чиқувчи машъал. Kitob билан дўст тутинганнинг фикри мағизли, сўзи мулоҳазали бўлади. Юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар замирида китобхонлик маданиятини шакллантириш, бу орқали эса юксак маънавиятни қарор топтириш мақсади муҳассам. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Kitob маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиш фикримиз тасдиғидир. Фармойиш таъсирида уйғонган муносабат-мулоҳазалардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Китобсиз уй — қалбсиз тана

Қишлоқда яшаймиз. Рўзгор харида учун туман марказига тушамиз. Кўп йиллардан бери биология фанидан сабоқ берганим учун юрган йўлимда фанимга тааллуқли янги китоб чоп этилмабдимики, деб қизиқсинаман. Керакли кўланма ёки бадий адабиётларни топишга базан қийналиб қоламан. Шунда ўйлайман: “Туман марказларидаги бозор ва савдо расталари қаторида китоб дўкони ҳам бўлсайди?”

Муҳтарам Президентимизнинг яқинда чиқарган фармойишида: “...ихтисослашган китоб дўконлари учун вилоят, туман марказлари ва шаҳарларда ҳамда қишлоқларда аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта қўриб чиқиш, сотув айланмасида китоб улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган тадбиркорлик субъектларини алоҳида статистик ҳисобга олиш ва уларга тегишли солиқ имтиёзлари қўллаш” бандини ўқиб беҳад суюндим. Чунки ўғил-қизлар, ўқувчилар кўпроқ техника-технология воситалари, айниқса, мобил телефон ва интернетга боғланиб қолган. Китоб ўқиши суст. Назаримда, бугун билим мувозанати тех-

ник қурилмалар билангина ушлаб турилгандек. Ўқувчилар қўлидан телефони тортиб олиб қўйилсам... Қолаверса, ихтисослашган китоб дўконлари мен каби турли соҳа мутахассислари учун доимо қидириб юрадиган адабиётларни тезда топиш имконини яратди.

Файласуф ва донишманд Цицерон: “Китобсиз уй қалбсиз танага ўхшайди”, деганида ҳақ эди. Бунда ўз-ўзидан оливий муҳит ҳам катта аҳамият касб этади. Кўпчилик уйларда китоб жавони тугул бир дон бадий адабиётни топиш ҳам амримаҳол.

Президентимизнинг китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисидаги фармойишидан кейин туман марказлари ва аҳоли гавжум жойларда китоб ҳамда даврий матбуот маҳсулотларини мунтазам етказиб турилса, аҳолида шунга қўнимка ҳосил қилиб борилса, яқин келажақда бу чора-тадбирлар ўз самарасини беришига ишонаман.

Манзура ХИДИРОВА,
Музаббат туманидаги
7-ихтисослаштирилган
давлат умумтаълим мактаб-
интернати ўқитувчиси

Қайси фандан дарс беришимиздан қатъи назар, ўқувчини, энг аввало, китобхонликка ўргатиш биз педагогларнинг бурчимиз. Узоқ йиллик тажрибам шунини кўрсатадигани, ҳар қандай иқтидорли инсон, агар у бадий адабиётга ошно бўлмаса, коммуналка, эзгу ғоялар соҳибига, энг муҳими, қалб хотиржамлигига эриша олмайди.

Мен фаолият юритаётган ЎЗМУ қошидаги С.Сирохиддинов номидаги академик лицей республикамизнинг нуфузли таълим муассасаларидан бири сифатида танилган. Лицейимиз физика-математика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, педагоглар ўқувчиларга чуқур билим беришга, уларнинг маънавиятига, юриш-туруши, муомала маданиятига ҳам жиддий эътибор қаратишди.

Ярим асрга яқин вақтдан бери рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераман. Ўқувчиларнинг ўзга тилда чироили,

Ўқувчини китобга қизиқтириш — бурчимиз

равон фикрлаш ва гапириш қўнимаси шаклланиши, сўз бойлиги ошиши учун уларга, аввало, она тилимизни чуқур ўргатиш лозим. Чунки ўз она тилини яхши билмай, унинг бадий ва илмий томонларини пухта ўрганмай туриб, ўзга тилининг асл моҳиятини англаб этиш мушкул. Бунинг учун эса кўп ва ҳўп китоб ўқишга тўри келади. Ҳеч қандай метод ва технология, техника ва интернет китобнинг ўрнини боса олмаслигини ўқувчиларга ҳар дарсда ўқитаман.

Қуруқ гап болага таъсир қилмайди. Шунинг учун ўқувчиларга синфдан ташқари ўқишга бадий адабиётлар тавсия этиб бораман. Айниқса, ўзбек адабиётининг етук намояндалари қаламига мансуб бадий асарларни рус ада-

биётнинг маҳоратли ёзувчилари асарларига солиштириб ўқиш уларга завқ бағишлайди. Чунки ўз она тилида ўқилган китоб боланинг ички оламни бойитди, унга руҳий озуқа беради. Чет эл адабиётини ўқиш баробарида эса у дунёни танийди, кенг доирада фикрлашни ўрганади. Қолаверса, ўқувчи тил ўрганиши билан бир пайтда юксак инсоний туйғулар, умуммиллий қадриятларни ўзида шакллантиради, ўзга халқ ва миллатлар маънавиятини, турмуш тарзини ўрганади.

Дарсларимда энг сара асарлар юзасидан тез-тез иншо ёздиритишга одатланганман. Лицей ва лицейлараро китобхонлик ва ишолар танловларини ўтказишимиз натижасида ўқувчиларда қизиқиш анча ортган.

Уларнинг республика фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлдан бермай келаятгани ҳам бу ишларимиз натижасидир. Ўзлаштириш паст ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, уларда китобга меҳр уйғотиш, ўз келажагига ишонч туйғусини шакллантириш биз педагоглар зиммасида. Бу борада ёш ўқитувчиларга алоҳида тавсия ва таклифлар бериб борамиз.

“Боланинг бегонаси бўлмайди”, дейди доно халқимиз. Шундай экан, ўсмир ёшдаги қизиққон ўқувчини тўғри йўлга солиш учун, биринчи навбатда, унда ўзи қизиққан мавзудаги китобга меҳр уйғотиш, муталаа қўнимасини шакллантириш керак. Лицейимиз ахборот-ресурс маркази ҳам


Китобдан миннатдорман!

Болалик — беғубор ва бепоён оламдир. Фарзанди билан бозорга ёки байрамга борган ота-оналар билади: бола кўзига яхши кўринган нарса-буюмин олгиси келади. Баъзан хархаша ҳам қилади, тутганини олдиради.

Қишки таътил кунлари республикамизнинг барча ҳудудларидаги арчалар атрофида савдо расталари ҳам ташкил қилинди. Расталар турли уйинчоқ, безаклар билан лиқ тўла эди. Бироқ болаларга мўлжалланган китоб маҳсулотларига сира кўзимиз тушмади. Майли, ота-оналар фарзандига ўзи хоҳлаган уйинчоқни сотиб олиб берсин, унинг истагини баҳо келтириб, аттракционда учиб завқланиши учун маблағини аямасин... Бироқ бу каби байрам тадбирларида китоб расталари ҳам ташкил қилинса, болаларнинг китобларга кўзи тушади. Бу — аниқ. Улар орасидан ўзи хоҳлаганини сотиб олиб беришини ота-онасидан сўрайди. Этагидан тортиб, хархаша ҳам қилади. Ахир, барча ота-оналар ҳам фарзандини китоб дўконига етаклаб бориб: “Хоҳлаган китобингни танила, олиб бераман”, деганини мунчага эшитмаётимиз. Байрам баҳона сотиб олинган ва муталаа қилинган китоб бола қалбидан бутун умр муҳрланиб қолиши, унинг китобга меҳри, китобхонлик маданияти шаклланишига хизмат қилишини унутмаслик керак. Ана шунда фарзандларимиз “Ота-онамдан, устозимдан миннатдорман!” деган эътироф ёнига “Китобдан миннатдорман!” деган улуғвор хитобни ҳам қўшиб қўяди.

Унутилаёзган қурилмалар билан китоб ўртасида қандайдир боғлиқлик бор. Бир вақтлар ана шу тахмон, дарча, тоқнада бошқа буюмлар қатори (балки асосан), кўп ва ўқилганидан саҳифалари сарғиш, олиб улгурган асарлар — Яссаий, Навоий, Бедил, Махтумқули, Машраб девонлари, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қўнтўғиш”, эртак китоблар турарди. Қўни-қўшни йиғилиб, уларни энг бийрон болага ўқитиб, узун қиш кечалари тонгта уланарди. Шундай суҳбатларда “Фалон-чида фалон китоб бор экан” деган сўзлар ифтихор билан айтилар, одамнинг ақл-зақоси қанча асар муталаа қилгани, нечта ғазал ёдлагани билан баҳоланарди. Китобга кўзи эмас, инсон безағи сифатида қараларди. Шу қадар қадри эди.

Мадина АКБАЛАЕВА,
Сержели туманидаги 305-мактаб ўқитувчиси



янги адабиётлар билан бойитилмоқда. Кафедра ўқитувчилари кутубхоначилар билан ҳамкорликда тез-тез “Мушояра кечалари”, “Муталаа кўни”, “Мен ўқиган китоб” мавзуларида туркум тадбирлар ўтказишади. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг келажақда бой маънавият соҳибига бўлиб етишишга хизмат қилади.

Гулшода САЪДУЛЛАЕВА,
академик лицей ўқитувчиси

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch



Китобга қайтиш

Болакайнинг севимли китоби бўларди. Шаҳардан келтириб берганди отаси. Болакай бу китобни ҳаммадан қизганар, расмларини қайта-қайталаб томоша қилар, сира қўлидан қўймасди. Китоб муқовасидаги отлик қанот чиқариб парвоз этаётганга ўхшарди. Қўлида найза, эгнида совут, садоги ўқ-ёйли бу суворийнинг ҳайбатидан ёғиларга қаҳру ғазаби сезилиб турарди.

Бола йирик-йирик ҳарфларда “Гўрўғли” деб битилган бу китобни бошқа китобларидан кўра кўпроқ яхши кўрар, дуч келган жойидан ўқир, воқеаларини деярли ёд олган эди. Муталаа чоғи севимли қаҳрамони зафар қозонса масрур бўлган, мушкул аҳволга дуч келганида қайғуга ботгани юз-кўзидан сезилиб турарди...

Инсон — буюк кашфиётчи. У неларни орозулаб, ўз турмуш тарзини яхшилаш ниятида нималарни яратмади дейсиз?! Бир маҳаллар унинг мўъжизаларга ишончи, иродаси сифатида эртагу дostonларда ўз ичига тасини топган учар гиламлар, размишнинг ҳамоноқ кўз ўнгингда Мағрибул машриқни қафддек намоян этгувчи ойнайи жаҳонлар... булар бугун оддий ҳақиқатга айланиб улгурди. Оддий лой қуввалдан тикланган уйларадги тоқна, дарча ва тахмон, ўйлаб қўрилса, улар ҳам кашфиёт асли. Масалан, тахмонга кўрпачи, кундалик эҳтиёж учун сопол, чинни идишлар терилса; ёзининг авж жазирамасида очиб қўйилган дарча сабаб хона хавоси тозаланади. Сўнгги юз йиллик ичида бу ихтиролар ўрнини ҳашамдор жавонлар, электр қурилмалар, советкичлар эгаллади. Вазифаси кўпдан унут бўлаётган мазкур қурилмалар ҳақида сўз юритишдан мақсад — китоб ва китобхонлик тўғрисида мулоҳаза юритиш, десам асло ажабланманг.

Унутилаёзган қурилмалар билан китоб ўртасида қандайдир боғлиқлик бор. Бир вақтлар ана шу тахмон, дарча, тоқнада бошқа буюмлар қатори (балки асосан), кўп ва ўқилганидан саҳифалари сарғиш, олиб улгурган асарлар — Яссаий, Навоий, Бедил, Махтумқули, Машраб девонлари, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қўнтўғиш”, эртак китоблар турарди. Қўни-қўшни йиғилиб, уларни энг бийрон болага ўқитиб, узун қиш кечалари тонгта уланарди. Шундай суҳбатларда “Фалон-чида фалон китоб бор экан” деган сўзлар ифтихор билан айтилар, одамнинг ақл-зақоси қанча асар муталаа қилгани, нечта ғазал ёдлагани билан баҳоланарди. Китобга кўзи эмас, инсон безағи сифатида қараларди. Шу қадар қадри эди.

Кутубхонадаги китобларни ким кўпроқ муталаа қилишдан баҳолардик. Гурунгимиз ҳам кўпгина бадий асарлар, севимли қаҳрамонлар ҳақида борарди. Сира ёддан чиқмайди, кутубхона мудираси бўлиб ишлайдиган опакон ҳар гал китоб топширгани борганимизда асар мазмунини, ижобий ва салбий қаҳрамонлар ҳақида ҳижолаб сўрарди.

Ботир бобо деган қўшимиз бўларди. Ёши етмишдан ошган, нафақага чиққан бўлса-да, мактабда қорувул бўлиб ишларди. У пайтлари қишлоқда кудук суви ичилар, қарийб ярим қақирим масофадан ташиб келингани боис сув тўла чалаклар қорувулхонада турарди. Исроф бўлмасин дердик-да. Қай биримиз чанқок босиш учун шу мўъжаз хонага кирсак, Ботир бобо тоқнада турган китобни оларди-да, буклаб қўйилган саҳифасини очиб:

— Қани “иккичи” — ё “аълочи” эканигини синаймиз, — деб кўрсаткич бармоғини китоб саҳифасига нуқриди. — Мана шу еридан шариллатиб ўқи-чи!

Биз Ботир бобонинг мактовини эшитиш учунми? китоблар кун сайин ўзига ром этиб борардимки, хуллас, қорувулхонага тез-тез катнардик. Уч-тўрт саҳифани бир зумда ўқиб ташлардик.

— Майли, дарсингдан кечикма, — дерди Ботир бобо бизга қайғуриб. — Усто-



зинг уришиб юрмасин, лекин саводнинг чаккмаси, насиб этса, сендан зўр муаллим чиқади.

У киши негадир саводхон болалар вақти келиб, албатта, муаллим бўлишига ишонарди. Орадан йиллар ўтди. Энди ўйласам, ўшанда Ботир бобо учун билимимизни синаш бир баҳона бўлган, холос. Алифдан бехабар отaxon шу асно ўзи қизиққан китобни бизга ўқитиб, хузур қилган.

...Болакай китобнинг сарҳли оламига батамом ғарқ бўлган, ардоқли қаҳрамони унинг ўйлари, тушларини забт этганди. У энди уйқусида ҳам туйқуз қийқириб юборадиган, сакраб ўрнидан туриб кетадиган одат чиқарди.

“Ёш боланинг кўп китоб ўқигани ёмон, шугинани китоб ушламайдиган қилинлар, деб Худонинг зорини қилдим, қулқос осмадинлар, мана оқибати, ҳадемай у савдоий бўлиб қолади”. Ота-онаси бувисининг дийдиёларига дош беролмади. Саҳармардонлаб уйғонган болакай ёстиги тагидан севимли китобини топполмади. Балки бирор жойга яшириб қўйишганди, деган ҳаёлда қидирмаган жойи қолмади. Охир-оқибат, тандир ичида ёнмай қолган бир парча муқовани топди. Севимли китобидан айрилган ўша кундан бошлаб болакай одамовми бўлиб қолди, ҳатто иситмаси кўтарилиб, тушакка михланди.

Бундан қарийб ўттиз беш йил илгари тўрт ака-ука қайовни отамизнинг таклифи билан фарзандларимизнинг суннат тўйини бирга ўтказгандик. Ўзбекчилик, тўйхонага қуруқ қўл билан борилайди: кимдир бузоқ, қўй-эчки етаклаган, кимдир чўнтакка беш-ўн сўм солиб кетаяпти, тўёна бермагани энг шимариб хизматда. Тўй бошлангунча — эгасиники, бошлангандан сўнг — элники, деб бежиз айтишмаган. Давра айни қизиган палла костюм-шим эгидан тушмайдиган кекса ўқитувчи сўз олди. Муаллим эмасми, ширин тиллақлар билдирди. Сўнгра тўртала тўй болани ёнига чорлаб:

— Ўқинлар, болаларим! — деб ҳар бирининг қўлига ҳафсала билан ўралган ҳақасини топширди.

Давранинг у ер-берида шивир-шивир бошланди:

— Домла нима бердийкан?
— Нимаям бўларди, китобдир-да, — шаниллатди кимдир. — Мен тўй берганимга ўғлимга китоб келтирганди, қурум-сок.

Бу истехзода жон бор эди. Ҳақиқатан ҳам, ўша кезлари институтга кириш, амалга ўтириш аксар ҳолларда саводхонликка эмас, жонқур отанинг жамиятда тутган нуфузи ёки “таниши”га боғлиқ бўлиб қолганди. Гап-гаштакларда китобий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти ҳақидаги гурунлар эмас, “бир кишини ётқириб олиб тепкилашлари, унинг эса нуқул “воҳ, орқам”лаб додлаши, шунда: “Аҳмоқ, нега

Эссе



орқам деб додлайсан, ахир, сенинг юзингга уришяпти-ку” деб сўрашса: “Агар орқамда турадиган одамин бўлганида мени шундай уришга ҳақларинг сизгармиди”, деб жавоб бериши қабилдаги ҳандалар урфга айланган эди. Табиатан синчков бола тараққиётнинг бундай оқибатларини сезмасдан қолмайди. У гувоҳи бўлган муҳит таъсирида китоб, китобхонликдан чекиниб, моддийончига айланиб қолди. Масаланинг моҳияти шу даражагача ўсиб етдики, жаҳон адабиётининг ноёб асарларини топиш ҳам у ёки бу даражада шахсининг жамиятда эгаллаган нуфузига бориб тақалди. Собик иттифоқ марказидан чиқадиган “Огонёк”, “Дружба народов” каби журналлар кутубхонаси туркумида нашр этиладиган жаҳон адабиёти намуналарига ёзилиш учун ҳам нуфуз ёки “Союзпечать” (ҳозир “Матбуот тарқатувчи”) ҳодимига энг ичида пора қистиришча тўри келарди. Табиийки, бундай нодир китоблар эгасини топиш ўрнига, китобни қадрлайдиган кишилар жавонидан жой олиш ўрнига моддийончи кимсаларнинг чет элда ишланган қимматбаҳо уй жиҳозларини безайдиган буюм ролини ўтай бошлаганди.

Талабалик кезларим бир танишимникига меҳмонга бордим. Отаси — раҳбар. Ўзтиборим хона тўридаги жавонини безаб турган бир хил муқовали китобларга тушиб, оғзим ланг очилиб қолди. Ҳавасини келтирган китоблардан бирини шоша-пиша олиб, варақлашга тушганимда танишим даққи берди:

— Китобни жойига қўй, онам кўрса уришади.

— Нера? — сўрадим хайрон бўлиб. — Ҳали шундай аҳойиб китобларни ўқимай сизларми?

Танишим бурнини жийирди:

— Кито-о-об?! Ана, телевизор кўра-миз.

Билсам, бу китоблар безак учун харид қилинган экан.

Шу тариқа китобхонлик “чекиниб” борди. Кўча-қўйда китоб қўлтиклаган кимчидир учратсак:

— Тавба, ҳозир ҳам китоб ўқийдиган одамлар қолган экан-да, — деб ажабсина бошлагандик гўё. Ҳуддики, аждодларимиз узун туналарни бедилхонлик, навоийхонлик билан ўтказмагандек.

3
...Бола туш кўрди. Гўрўғли сардор Ғирқўк отида унинг ҳолидан хабар олгани келганми. Кўзаларига ишонмай болакай ўзини севимли қаҳрамони кучоғига отибди:
— Нахотки, бу Сиз?!
— Ҳа, кўзингизми! Айт-чи, сenga нима бўлди?
— Китобимни олиб қўйишди.
— Кел, сени отимга миндириб, китоблар мамлакатига олиб кетаман.
Бола севингдан иргиллаб, севимли қаҳрамонига отига мингашибди.
Улар осмонга фалакка парвоз қилишибди...

Ва бирдан момоси унинг елкасидан майин силаб уйғотди:

— Тур, болам, тонг отди. Мана, қарагин, отанг сenga нима келтирди.

Бола ҳали кўзаларини очар-очмас, момоси кўз ўнгига авайлаб ушлаб турган, муқоваси ял-ял “Гўрўғли”ни кўрдию қувончдан кўзалари қақнади.

Бугун мамлакатимизда ноширлик фаолияти мисли кўрилмаган даражада юксалди. Давр талабига кўра, эндиликда нафақат мазмун, балки дизайн жиҳатдан ҳам ўқувчини ўзига жалб этадиган махсулот — китоблар билан таъминлай олган нашриётга рақобатга дош бера олади. Шу боис бугун хоҳлаган асарнинг безакли нашрини астойдил изласангиз, топиш имкони бор. Тагин бир қулайлик: тараққиёт маҳсули бўлиш виртуал кутубхоналар, турли чиплар ҳам китоб ўрнини босаяпти. Тўғри-да, излаган китобингизни харид қилиш учун шаҳарма-шаҳар, дўконма-дўкон югур-чоғ қилгандан кўра (боз устига, қишлоқ жойларда китоб савдоси тақчил!), ўтирган жойингда интернет орқали ўша асарни юклаб олиш нисбатан қулай, ҳам камчиқим. Яқинда шаҳарга бориб келган ҳамкасбларимдан бири китоб дўконларида яхши асарлар кўп эканидан гап очиб қолди.

— Истаган китобингиз бор, фақат пулига кўзингиз қийса, бас.

Тўғри, бозор иқтисодиёти деймиз. Бироқ китобдан пул қизганиш, айниқса, ўқитувчи шахси учун ноўрин.

— Сиз қандай китоблар олдингиз? — сўрадим қизиқсиниб.

— Бир-икки саргузашт асар, номи эсимда йўқ.

— Ҳеч бўлмаса муаллифини эслаб қолгандирсиз?

...Тўғри, бугун китобга қайтаямиз. Бироқ ёшлар, адабиётнинг сарҳли оламида энди тетапоа қилаётган ўғил-қизлар нималарни муталаа қилаяпти — шунга эътибор қаратиш лозим. Очиги, ҳамма нашриётлар ҳам савияли асарларни нашр этапти, деўлмаймиз. Негаки, бу соҳани санаятга айлантираётган ноширлар ҳам йўқ эмас. Шундай бир вазиятда китобхонлиқни, бадияти пишк, мағзи тўқ асарларни том маънода эҳтиёжга айлантириш — давр талаби. Ёш авлод тарбияси билан шуғулланаётган маънавият ва маърифат кишилари уларнинг онига китоб ўқишни маданият даражасида сингдиришини ўйламоғи, ўз олдига мақсад қилиб қўймоғи даркор. Бу масала, айниқса, бугунги кунда ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Болаликдан асл адабиётга ошно тутинган ва табиатан шундай тарбия топган китобхон қандай асарларни муталаа қилишни яхши ахрим қилди.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ишларни бугунги кун нуктаи назаридан тубдан қайта қўриб чиқиш имконини яратиши билан аҳамиятлидир.

...Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига:

— Тушимда сут кўрдим, уни шундай сипқориб ичдимки, ҳатто тирноқларим унчагача чиқди, — деганларида, саҳобалари:

— Ё, Расулulloх, сутни нимага йўйдингиз, — деб сўрашибди.

Шунда пайғамбаримиз қисқагина қилиб:

— Илмга, — деб жавоб берган эканлар.

Ҳа, тарих гилдираги бетинимдир. Бугун шу нарса кундай равшанки, китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Китоб — қўнғил мулки, дил ободдиги. Ҳу-у-уш тўйда тўёна қилинган қўй-эчкилар алақачон қабобга қайлиниб кетди, пуллар сарфланди, ким нима берган бўлса, унутилди ҳисоб. Аммо... ўша кекса ўқитувчи ўғлимга совага қилган китоб — улуғ адиб Одил Ёқубовнинг “Ўлғубек хазинаси” ҳақида ҳамон жавонимизни безаб турибди.

Абдунаби АБДИЕВ,
Миршор туманидаги
22-мактаб директори

Илмга асосланган меҳнат

Илмий манбаларда қайд этилишича, бугдой таркибида 10—14 фоизгача оқсил бўлиб, унинг 80 фоизини инсон саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этувчи глиадин ва глютеин моддалари ташкил этади. Ғалланинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири саналувчи клейковина миқдори мазкур оқсилларга боғлиқ бўлиб, унинг нон бўлиш хусусиятини белгилайди. Шунингдек, бугдой таркибида 9-10 фоиз ёғ, 6 фоиз шакар, В₁, В₂ витаминлари мавжуд. Айниқса, ун таркибидаги темир ва рух элементлари одамларда кузатиладиган темир танқислиги — камқонлик касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, мустақиллик йилларида ғалла мустақиллигига эришиш масаласига давлатимиз томонидан юксак эътибор қаратилган бежиз эмас. Биргина ўтган йилнинг ўзида мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан 7 миллион 500 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилиб, бугдойзорлардан гектарига ўртача 55 центнердан, айрим туманларда 60—77 центнердан ҳосил олинганини таъкидлаш жоиз. Бундай натижаларга селекция ишларини яхши йўлга қўйиш, бошоқли дон экинларининг сермахсул навларини яратиш, замонавий агротехнологияларни амалиётга жорий этиш каби саъй-ҳаракатлар орқали эришилаётди.

Республикамиз ҳудудид аъло сифатли, макaron ва қандолат sanoati талабларига тўлиқ javob берадиган, ички ва ташқи bozorda yuqori baholanayotgan qattiq bug'doy navlarini yetishtirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri sanaladi. Чунки ғаллазорларимизнинг асосий қисмини юмшоқ бугдой навлари экилган ҳудудлар ташкил этади.

Изланиш асоси

Айни пайтда дунё миқёсида қаттиқ бугдой навларини етиштириш, жумладан, тупроқ-иклим шароитига мос навларни яратиш, танлаш ва тўғри жойлаштириш, макaron ва қандолат sanoati талабларига мос сифатли дон ҳосилдорлигини таъминлайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш борасида изчил илмий изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, юртимиз олимлари томонидан ҳам муайян тадқи-

Мўл ҳосил гарови



қотлар амалга оширилмоқда.

— "Зарафшон водийсида қаттиқ бугдой етиштириш технологиясини такомиллаштириш" мавзусида илмий изланишлар олиб бориш асосида қаттиқ бугдойнинг янги районлаштирилган ва истиқболли навлари биологик хусусиятларини инobatга олган ҳолда минтақа тупроқ-иклим шароитларига мос, юқори сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишни мақсад қилдим, — дейди Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг "Бегона ўтларга қарши кураш" лабораторияси mudiri, Toshkent davlat agrar universiteti doçenti Nilufar Turdieva. — Жараёнда бугдой навлари уруғини Зарафшон водийси шароитида экиш муддати ва ўғитлаш меъёри, суғориш тартиби, бегона ўтларга қарши кураш чоралари, доннинг сифат кўрсаткичлари, ҳосилнинг шаклланиш хусусиятлари, уруғларнинг далада унвчанлиги, бугдой ер устки қисми ва илдииз тизимининг шаклланиши, совуққа чидамлилиги, ўсиш даври ва ривожланиш фазаларининг ўтиш муддатлари, ўсиш динамикаси, ётиб қолишга чидамлилиги каби жиҳатларга алоҳида аҳамият берилди. Чунки булар ҳосилдорлик ҳамда иқтисодий самарадорлиқни таъминлайдиган асосий агротадбирлардир.

Самарқанд вилояти тупроқ-иклим шароити қаттиқ бугдой етиштириш учун қўлайлиги ҳам мавзуга доир тажрибаларни айнан шу ҳудудда олиб боришга асос бўлди. Вилоятда йиллик самарали ҳарорат йиғиндиси 3800—4200°C бўлиб, Қашқадарё вилоятда бу кўрсаткич 3200—3600°C ни ташкил этади. Бу Зарафшон водийси далаларида қаттиқ бугдойдан мўл ҳосил етиштириш имконини беради. Нилуфар Турдиеванинг изланишлари юқори натижага эришиш йўл-йўриқларини кўрсатиб, илмий жиҳатдан асослаб берди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти

Узоқ вақт олиб борилган тадқиқотлар туфайли илк бор Зарафшон водийси шароитида давлат реестрига киритилган ва биологикдан келиб чиққан ҳолда истиқболли қаттиқ бугдой навларини етиштириш агротехнологияси элементлари такомиллаштирилди. Шунингдек, қаттиқ бугдой ҳосилини етиштиришда турли ташқи омиллар таъсирида уруғларнинг унвчанлиги, доннинг технология сифат кўрсаткичлари, ўсимликдаги физиологик жараёнлар, илдииз тизими, совуққа ва бошқа ноқулай шароитга чидамлилиги аниқланди. Тадқиқот объекти сифатида олинган "Истиқлол" ва "Александровка" навлари уруғини экиш муддатлари ва меъёрлари, ўғитлаш ҳамда суғориш тартиблари, бегона ўтларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш орқали дон сифатини яхшилаш усуллари, кузги бугдой агробактериозини яратишда қатнашган бегона ўтларнинг зарарлаш даражаси баҳоланиб, уларга агротехник тадбирлар орқали қарши кураш чоралари, макaron ва қандолат sanoati талабларига мос сифатли дон етиштириш агротадбирлари ишлаб чиқилди.

Самарқанд вилоятидаги суғориладиган бўз тупроқда "Истиқлол" ва "Александровка" уруғини кузда — октябрнинг иккинчи ўн кунлигида, баҳорда эса иккинчи ўзгаришига қараб, февралнинг учинчи ўн кунлигида ёки март ойининг биринчи ўн кунлигидан кейин қийтирмасдан экиш, мавсум давомида бугдойзорларга гектарига ўртача 800 метр куб миқдордан тўрт марта су-

Изланиш ва samara

сув қуйиш, ҳар гектар суғориладиган ерни 215 килограмм азот билан озиклантириш мақбуллиги тажрибаларда ўз тасдиғини топди.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларида эса интенсив типдаги биологик дуварак "Истиқлол" ва "Крупинка" навларини экиш олдидан бир йиллик икки паллали ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши Спрут-экстра ВР, бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши Стелла, бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Энтостар гербицидини қўллаш юқори самара бериши асосланди.

Ғап фақат даромадда эмас

"Истиқлол" ва "Александровка" навларини экишнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш учун ўтказилган синов жараёнлари Окдарё туманида ўтказилди. 16 октябрда уруғ далаларга сепилганда ҳўжаликда доимий белгиланган экиш муддати(3 октябрь)га нисбатан "Истиқлол"дан гектарига 11,4, "Александровка"дан эса 9,5 центнердан зиёд ҳосил олинди. "Истиқлол" навлари дон таркибидаги оқсил миқдори 1,3, клейковина 2,3 фоизга ошгани кузатилди. "Александровка"да бу кўрсаткичлар 0,8 ва 1,8 фоизни ташкил этди. Мақбул экиш муддатида 1 гектардан олинган шартли соф фойда ҳўжаликда қабул қилинган экиш муддатида ўстирилган бугдойникига нисбатан ҳар иккала навда 95—119 минг сўмга ошгани кузатилди.

Уруғ баҳорги мавсумда — 20 февралда далага сепилганда эса "Истиқлол"дан гектарига 12,8, "Александровка"дан эса 10,8 центнер кўп ғалла йиғиштириб олинди. Айни пайтда оқсил миқдори ҳам одатдаги саманада — 15 мартда экилган дон таркибидагига нисбатан "Истиқлол"да 1,3, клейковина 1,9 фоизга, "Александровка"да эса 1,2 ва 1,9 фоизга ўсгани кузатилди. "Истиқлол" тўрт марта су-

горилганда ҳўжаликда қабул қилинган меъёрга нисбатан гектарига 8,3, "Александровка" эса 7,2 центнер кўп ҳосил берди. Таркибидаги оқсил миқдори 1,1, клейковина эса 2,3 фоизга кўпайди. Изланишлар натижаси даромад билан бирга, бугдой таркибидаги инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган моддалар миқдори ҳам ортганини кўрсатмоқда.

Фермер ҳўжаликлари қўлга киритиши мумкин бўлган иқтисодий самарадорлик қийёсий таҳлил этилганда, барвақт экилган мазкур икки бугдой навидан гектарига 223000 ва 133000, кечки-

сидан эса 61000 ва 30000 сўм даромад олингани маълум бўлди. Бу эса олима тақлиф этаётган муддатдаги экишга нисбатан гектарига 162—193 минг сўм маблағни йўқотиш демакдир. Яна бир кўрсаткич: "Истиқлол" навлари дон экилган ерга азот сепилганда, 1 гектар майдондан олинган соф даромад ўғитланмаган ҳудудга нисбатан 314000 сўмга ортди.

Қишда об-ҳавонинг ўзгаришчанлиги, хусусан, ҳароратнинг паст бўлиши кузда экилган бугдой навларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шу ўринда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татиқ этиш орқали ўсимликнинг яшовчанлигини ошириш мумкинлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Шунингдек, ҳосил йиғиштирилгунча бўлган муддатда сакланиши ҳам 61 фоиздан 74 фоизгача ошди. 16 октябрда экилган дондаги қанд миқдори бошқа муддатларда сепилган экинга нисбатан ўртача 1,5-2,5 фоизгача ортиши кузатилди.

Қишлоқ ва суҳ ҳўжалиги вазирлигининг маълумотномасида қайд этилишича, Нилуфар Турдиева тақлиф этган агротехнологиялар 2014-2015 йиллари Самарқанд вилоятининг Окдарё, Нарпай, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманлари фермер ҳўжаликларидаги 15 минг гектар майдонда қўлланиб, 15,1-16,9 центнердан қўшимча ҳосил олинган. Дондаги оқсил миқдори 0,8-1,1, клейковина 2,9-4,7 фоизга ортди, иқтисодий самарадорлик гектарига 150—221 минг сўмни ташкил этган.

Ҳа, аҳолининг сифатли озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан, бугдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш муҳим вазифалардандир. Шу маънода, Нилуфар Турдиеванинг илмий изланишлари деҳқонларимиз меҳнати унумдорлигини ошириш билан бирга, халқимиз дастурхони янада тўқин бўлишига хизмат қилади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 25-yanvar, № 7 (8968)



Болалигимдан сурат чизишга уккувим йўқ. Тасвирий санъатдан "яхши"ларим анчаю, "аъло"си камроқ эди. Осонроқ мавзудами ё омадим келибми "5" олзудек бўлсам, расм дафтарим бир неча кун ўзим билан сумкамда юрарди. Худди бетакрор санъат намунасига термулгандай тўйиб-тўйиб боқардим унга. Сўнг бирор тортиб оладигандек, сумкамга тезда жойлаб олардим. Ҳафта охираб, акам билан кундаликдаги баҳоларимизни ўзимизча сарҳисоб қилардик. Расм дафтардагиларни эса алоҳида. Ота-онам кундалигимни текшириб бўлгач, расм дафтаримни шартта олардим-да, варақлаб кўрсатардим. Ҳар ҳолда, "расм"дан беш олган ҳафтам шундай кечарди. Инди ўйласам, ўқитувчимиз фанга қизиқишимизни шундай оширишга уринган экан...

Мусаввир



Мактаб ва болалик хотираларим билан бўлиб, манзилга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолибман. Нега бу фандан «аъло»ларим камлигию, оддий чизгиларим мени нега бу қадар руҳлантиргани борасидаги саволларимга шу ердан жавоб топарман, балки.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рангтасвирчи рассом Зайниддин Фахриддиновнинг ижод устaxonаси!

Киришим билан кўзни қувнатадиган гўзал, бетакрор суратларни кўриб ҳайратим ошди. Музейнинг ўзгинаси! Уларни бир-бир кузатаман. Мана, суратлардан бирининг рўпарасидаман... Жуда таниш манзара. Қаерда кўрган бўлсам, а?! Китобда, шекилли. Лекин қайси китоб? "Тарих"миди-эй... Ахир, муаллифи ёнимда-ку!

— Мана бу суратингиз кўзимга иссиқ кўринапти...

Рассом бир зум суратга термулиб тургач, жавоб берди:

— "Муқанна". Ундан мактаб дарсликлариди фойдаланишган. Бундай суратлардан яна бор ҳали.

Ёдимга тушди. 7-синф «Ўзбекистон тарихи» дарслигидаги сурат-ку бу, дейман ичимда. Сўнг яна бошқаларини кузатишга тугинаман. Санъат асарларига тўла хонадан ўтиб, рассомнинг ижоддан бўшаб яна ижод учун режалар тузадиган, ташқари бор бўйича кўриниб турадиган дераза ёнидаги айлана столи ёнига чўкдик. Бироз аввал бошланган суҳбатимиз жонланди.

— Орзуларимизнинг поёни йўқ. Ким бўлсам экан, деган ҳаёл ҳам айнан болалик дамларида туғилади. Айтинг-чи, рассомлик болаликдаги орзунгизми ёки...

— Мактабда ўқиб юрган кезларим рассом бўламан, деб сира

ўйламаганман. Бироқ расм чизишни жуда ёқтардим. Амаким бу қизиқишимни илғаб, тўғаракка олиб борди. У ерда бир йил давомида билмаганларимни ўргандим: чиздим, ўчирдим. Иштиёким ошди, рассом бўлиш ниятим кучайди.

— Бу кучни беролган инсон Устоз, шубҳасиз...

— Албатта, Устоз! У бизни тўғри йўлга бошловчи улўғ зот. Ота-болаларимиз билиб айтган: "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар", деб. Биринчи устозим — Азимиддин амаким архитектор эди. Мени расм тўғаратига олиб борган. Мактабни тамомлаб, рассомлик техникуми (ҳозирги Республика рассомлик коллежи)да ўқий бошладим. Бу ерда Юрий Лимонов ранг-тасвирнинг ўзига хос сир-асрорларини ўргата бошлади. Унинг меҳнати кўп сингган менга. Институтга кирганимдан сўнг устозлар, айниқса, Раҳим Аҳмедов қобилиятимни юқори баҳолаб, ўз устимда ишлашга ундарди. Бундан ташқари, рассом Абдулхай Абдулаевнинг ижодини кўп кузатардим. Биласими, бу инсондан фақат қалам тутишни эмас, аслида, инсон қандай бўлиши кераклиги, рассомлик маданиятини ўрганганман. Умуман олганда, устозларим кўп. Лекин уларнинг ҳар бири билан юзма-юз кўришган эмасман. Улар орасида қайси рангни тўғри, қайсини нотўғри танлаганим тўғрисида айнан юзма-юз ўтириб ўргатмаганлари ҳам бор. Улар — ўтган асрларда ижод қилган буюк рассомлар.

— Пинҳона шогирд тутинганман, денг...

— Шундай... Уларнинг асарларини музейларда кўриб, кузатиб, нималарга эътибор берган, қайси рангдан қай ўринда фойдаланган —

шуларни ўрганганман. Айниқса, ўша кезлари рус рассоми Врубельнинг ижодида қизиқардим. Умуман, рассомнинг ишлари юксак савияда бўлса, улар маданий меросгина эмас, балки келажақда шу соҳада қадам босаётганлар учун катта мактаб ҳам бўлиб қолади.

— Мактаб ҳақида сўз очдингиз. Келинг, шу ўринда ўзингизнинг ҳам педагогик фаолиятингизга тўхталсангиз.

— Театр ва рассомлик санъати институти(ҳозирги Миллий рассомлик ва дизайн институти)ни тамомлаганимдан сўнг архитектура йўналишида дарс бера бошладим.

— Тошкент архитектура-қурилиш институтида-да?!

— Ҳа. Шундан сўнг рассомлик техникумида бир неча йил ишладим. Ҳозир эса Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида дарс бераман. "Дастгоҳли рангтасвир" кафедрасида. Йигирма йилча бўлди. Талабала билан ишлаш марокли. Меҳнаткашларини кўриб ўргатинг келаверади. Ўзинг ҳам қизиқиб, интиласан. Ижод қиласан...

— Ижодни ўргатиб бўлмайди, дейишди...



San'at va siyrat

— Рассомлик табиатан берилди, назаримда. Уни бирор манзарадан нусха кўчириш, деб ўйлайдиганлар қаттиқ янглишади. Сурат чизиш — мураккаб жараён. Расм солган билан ҳамма ҳам рассом бўлиб қолавермайди. Истеъдод бўлиши зарур. Лекин буям рассом бўлдинг, дегани эмас. Ҳамма соҳада бўлгани каби меҳнат ва яна меҳнат керак.

— Ижод намуналарингиз чет элларда ҳам намойиш этилган...

— Малайзия, Германия, Бельгия, Франция, Туркия, Хитой...

Рассом санаб чарчамаса, мен ёзиб толиқдим. Айтган маълумотларини дафтарга қайд этиб бораёяман. У сўзини яқунлади. Ўрнидан туриб, столга яқин тоқчадан икки альбомни олиб узатди. Булар — рассом чизган суратлар. Аникроги, уларнинг репродукцияси экан. Ҳар бир сурат остига номи битилган: "Қисмат", "Мурувват", "Ҳамсуҳбат", "Лой жанги". Уларни бир-бир кузатар эканман, рассом изоҳлари билан таассуротларим янада бойиб борарди.

— Булар музейларда ҳам осиглик туради, — дейди рассом фахрланиб.

— Қайси музейларда?

— Темурийлар тарихи давлат музейи, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейида...

Альбомни варақлашда давом этдим. Суратларнинг ҳар бирида ўзгача маъно яширин. Айниқса, "Фасллар ўйини". Баҳор, куз тасвири муҳрланган манзараларни кўп кўрганман. Аммо тўрт фаслни бир суратда илк бор ёнма-ён кўришим эди. Хиром айлаётган қизлар... уларнинг либоси, кўз-қош ифодаси, образли ҳолати ҳар бир фаслга монанд. Ранг-бўёқлар мақсад йўлида мусаввируна уйғунлашиб кетган.

— Бу суратнинг яратилиш тарихи борми?

— Табиат манзаралари ҳар бир рассомга ўзгача завқ бағишлайди. Дастлаб баҳорда рақс тушаётган қизни тасвирладим. Кейин ёзда... Аммо улар ҳозиргидек кўринишда эмасди. Алоҳида-алоҳида ишланганди. Сўнг уларни биргаликда тасвирласам қандай бўларкин, деб ўйладим. Кўриб турганингиздай...

Ҳа, табиат манзараси барибир ўзгача. Унинг суратдаги акси ҳам баҳридилингизни очади. Ҳаёлларингиз баҳор булутларига қўшилиб сузади, ёмғир бўлиб бог-роғларга, дала-даштга қуолади; жазирамада эса муаттар гуллар бўйидан баҳра олади; куз чоғи тилларанг япроқларга қўшилиб рақс тушади... ва киш маҳали оппоқ қорга айланиб учқунлайди-да, сочу кипригингизга кўнади. Муҳими, бу манзараларни ҳар бир ижодкор — шоир ҳам, рассом ҳам ўз рангларидида оққа кўчиради.

(Давоми 16-бетда.)





Bilasizmi?

шинчи терминал йилига 50 миллион йўловчига хизмат кўрсатиши кўзда тутилган ва табиийки, унинг ҳажми мавжуд терминаллардан кўра каттароқ бўлади. Шунингдек, 2019 йилда «Jewel Changi Airport» («Чанги аэропорти марвариди») деб номланувчи янги терминал қурилиши режага киритилган. У тўғрисида йиллик йўловчилар сони яна 28 миллионга кўпайиши мумкин.

Энди, икки оғиз Чанги ҳаво порти ҳақида умумий маълумот. Аэропортнинг умумий майдони 1300 гектар бўлиб, шундан 870 гектар ер денгиз ҳудудини ўзлаштириш эвазига пайдо бўлган. Аэропортдаги ҳар бир учиб йўлаги узунлиги 4 километр. Ҳар ҳафтада аэропортдан 6600 дан ортиқ рейс амалга оширилади. Бошқача айтганда, ҳар 90 сонияда битта самолёт парвоз қилади. Чанги 100 дан ортиқ авиакомпанияларга хизмат кўрсатади, шулардан 5 таси маҳаллий: «Singapore Airlines», «SilkAir», «Scoot», «Tigerair» ва «Jetstar Asia» компанияларидир.

Йўловчилар фойдаланиши учун аэропортда 12000 та юк аравачаси, мобил алоқа воситаларини қувватлантириш учун ўрнатилган 880 та электр розетка, аэропорт ҳудудида 350 та дўкон ҳамда 120 та ресторан ва барлар мавжуд. Биринчи терминалда кактус боғи, иккинчи терминалда орхидеялар ва кунгабоқар боғлари ташкил этилган ҳам диққатга сазовор.

Дарвоқе, биринчи терминалда ақлбодар килмас иход маҳсули — «Kinetic Rain» («Кинетик ёмғир») деб аталувчи манзара дизайни айнан Чанги аэропорти учун махсус яратилган. Бронзадан ишланган ёмғир томчилари 16 хил шакл ва нақшлар, жумладан, самолёт, ҳаво шари, илон ва ҳоказолар тусига киради. Мазкур терминалнинг томида йўловчилар дам олиши учун бассейн, жакузи ҳамда фитнес заллари бор.

Учинчи терминалнинг том қисмидаги деразаларда қуёш нури тушиши учун 919 та тўйуқ ҳосил қилинган. Бу иссиқ иқлимда мажмуанинг ичида ҳаво айланишига шароит яратди. Терминалдаги вертикал боғ — «Яшил девор»нинг узунлиги 15, кенглиги эса 300 метр. «The butterfly garden» («Капалаклар галереяси»)да ҳашоратнинг 1000 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Терминалдаги қиравертидаги қум деворга инглиз, хитой, япон, тайван, француз, немис, италян, испан, араб, рус, малай, баҳас, тамиль, хинд, синхала ва португал тилларида саломлашиш сўзлари ёзилган.

Агар 5 соатдан кўпроқ вақтингиз аэропорт ҳудудида ўтса, шаҳар бўйлаб бепул «Free Singapore Tour» экскурсиясига чиқиб, 2 соат давомида машҳур масканлар — Мерлион ҳайкали, Марина Бэй кўрфази, Чайна-таун ҳамда кичик Ҳиндистон қабиларни кўришингиз мумкин.

**ЎЗДЖУ талабаси
Эъзоза НАЖИМОВА
тайёрлади.**

Бугун минглаб одамлар — сайёҳлар, спортчилар, турли ташкилот вакиллари, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар замонавий ва тезуچار самолётларда дунёнинг турли мамлакатларига бориб, диққатга сазовор гўшаларда сайр қилаёпти, ҳордиқ чиқариб, ўз юмушларини битириб келаяпти. Самолётда учиб талабгорларнинг гўяда кўнглидан тобора само бағридаги йўллар ҳам серкатнов бўлиб бормоқда.

Кўпчилигимиз самолёт ва парвоздаги завқу кўрқув ҳақида ўйлаймиз, ammo саёҳатимиз оstonаси бўлган аэропортларни ёддан чиқарамиз. Сафаримизнинг мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтиши, аввало, мана шу маскандаги муҳитга, ҳодимларнинг сизга бўлган муносаба-

ларда сезиларли тиқилинч кузатилганда кўшимча терминаллар қуришга киришадиган Чанги ҳаво портининг ҳам йилдан-йилга миқозлари кўпайиб бори.

Бироз муддатдан сўнг — 1999 йилда замонавий ва кенг имкониятларга эга учинчи терминал барпо этилди.



мини олган бўлим 2006 йилдан бери ишламоқда.

2005 йил 11 ноябрда Европанинг энг тараққий этган

миналга айлантирилди. Айтиш мумкинки, унинг ичига кирган одам ўзини худди ҳақиқий боғда юргандек ҳис

Чанги — сайилгоҳ аэропорт

ти ҳамда яратилган қулайликларга боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитидан келиб чиққан ҳолда, тез-тез сайёҳлар ўртасида ривожланган мамлакатлардаги «Терминалларда яна қандай қулайликлар жорий этиш лозим?» мазмунлида сўровномалар ўтказилади. «Business Insider» наشريда ёзилишича, Британиянинг «Skytrax» компанияси хулосалари асосида Чанги аэропорти қаторасига учинчи марта Парижда таъсис этилган — дунёнинг энг яхши аэропортига бериладиган «World Airport Awards-2016» нуфузли мукофотида сазовор бўлди. Танловда сайёрамиздаги сара 400 та аэропорт иштирок этган.

Чиндан ҳам, мазкур аэропорт Сингапурнинг асосий ва йирик объектиларидан бири бўлиб, мамлакатнинг Чанги деб номланувчи ҳудудида жойлашган. 1981 йил 29 декабрда фаолиятини бошлаган ҳаво портининг бугун бир эмас, бир қанча йирик терминали (бўлими) мавжуд. Сайёҳлару йўловчилар навбат кутиш нимагини билмайди. Дунё бўйлаб тахминан 80 га яқин давлатнинг 320 дан ортиқ шаҳарлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишида мана шундай кенг қамровли қулайликлар омил бўлган бўлса, ажаб эмас.

Колаверса, аэропорт хизматчилари, ишчи-ҳодимлари миқозларга том маънода намунали хизмат кўрсатади. Шу боис у кўп йиллардан буён эътироф этилади, ҳусусан, 500 дан ортиқ нуфузли мукофот ва сертификатлар билан тақдирланган. 2005 йили сайёрамизнинг «Энг яхши аэропорти» совринини кўлга киритган ушбу аэропортнинг мавқеи ва хизмат кўрсатиш сифатини сақлаб қолиш мақсадида мунтазам равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, янги ва шинам объеклар қурилади.

Чанги аэропортда дастлаб битта терминал бор эди. 1985 йили — тўрт йил ичида оёққа туриб, халқаро майдонда тилга тушган, жанубий томони кенгайтирилиб, иккинчи бўлим қурилиши бошланди ва 1991 йили фойдаланишга топширилди. Шундан айтиш жоизки, аксарият аэропортлар маъмурияти қачонки миқозлар сони кескин ортиб, мавжуд бўлим-

Мамлакатларидаги бақувват аэропортлар қатори Чанги аэропорти ҳам ўз имкониятларини синаш мақсадида катта ҳажмли, икки палубали ҳамда тўрт двигателли «Airbus A-380» йўловчи ташишга мўлжалланган самолётларини харид қилди. Миқозларга қулайлик яратиш, парвоз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб келинган бу самолётларга 60 миллион сингапур доллари сарфланди. Шунингдек, ушбу аэропорт дунёда биринчи бўлиб самолёт кўнадиған учалик йўлакларини синовдан ўтказди.

Ҳозир аэропортнинг 1, 2 ва 3-терминаллари бевосита умумий транзит ҳудудлар билан боғланган. Бу бўлимдан бўлимга узилишсиз ва назоратсиз ўтиш мумкин, деганидир. Терминаллар бўйлаб тез ҳаракатланиш, оғир юкни қийналиб ташиб юрмаслик учун «Skytrain» тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, пиёда юришни ҳушловчилар учун ҳам алоҳида йўлақлар ажратилган. Иккинчи терминал яқинидаги



терминалга махсус автобусларда ўтиш мумкин.

Терминалга «Бюджет» деб ном берилишида жамоатчилик фикрига асосланган. Мазкур терминал бирмунча камтарона бўлиб, унда теле-траплар, мураккаб техника ва технологиялар, қимматли интерьерлар йўқ. Шунга қарамай, бўлим очилган илк пайда савдо марказлари ва ресторонлар бўлиб, бепул интернет тармоғидан фойдаланиш мумкин эди.

Эътиборлиси, «VIP» (very important person) шаклидаги хизматдан фойдаланувчилар учун махсус терминал ташкил этган Осиёдаги биринчи аэропорт ҳам айнан шу ҳаво порти ҳисобланади. «JetQuay» но-

«JetQuay» бўлимида асосан бизнес-класс йўловчилари рўйхатдан ўтказилади.

Барча бўлимлар умумий ҳисобда йилига 68,7 млн йўловчига хизмат кўрсатади. Маълумотларга қараганда, 2009 йилдаги кенгайтириш ишлари тўғрисида хатто бу кўрсаткични 73 миллион нафаргача ошириш мумкин экан.

Аэропортнинг шимолӣ қисмидаги 1-терминал юкоридан қараганда, «Н» ҳарфини эслатади. Теле-траплар, яъни самолётга олиб борадиган йўлақлар сонини ошириш мақсадида шундай лойиҳа маъқулланган. Бугунга қадар у икки бор замонавий таъмирдан чиқарилиб, комплексдаги энг катта тер-

этади. Аксарият сайёҳлар уни «Тропик шаҳар» деб атайд.

Иккинчи терминал ҳаво портининг шарқий қисмида қад ростлаган бўлиб, у 1— ва 3-бўлимларни боғлашга ҳам хизмат қилади. Унинг ўзи тўрт қисмга ажратилган. Мазкур терминалда ҳам мўътадил шароит яратишга катта эътибор қаратилган. Ўз рейсини кутиб ўтирган кишилар муқаррар парвозга ҳуш кайфиятда чиқиши учун ички қисм ва том қаватидаги кўркам боғ манзарасини томоша қилади. Бундан ташқари, йўловчилар кинотеатр, «Burger King» ресторани ва савдо марказини айланиб, вақтини мазмунли ўтказиш мумкин. Кўпчилик сайёҳлар ушбу аэропортни истироҳат боғига қиёслайд.

Учинчи терминал комплекс гарбида жойлашган бўлиб, унинг 28 та телетрапи мавжуд. Шуларнинг саккизтасидан замонавий «Airbus A-380» самолётларига чиқилади.

Учинчи терминал лойиҳаси ўзининг ғайриоддийлиги билан минтақадаги бошқа аэропортлардан фарқ қилади. Аэропортнинг ички безаклари, кўриниши ишша ва пўлат материаллардан ишланган. Шунингдек, унда табиат манзараси акс этган бўлиб, табиий ўсимликлар парвариши қилинадиган «Яшил девор», фаввора ва «The Butterfly Garden» деб аталган боғларни учратиш мумкин.

Юкорида тилга олганимиз — «Skytrain» темирйўли тизими терминалларни боғлашга ҳамда йўловчиларнинг бўлимлар бўйлаб жадал ҳаракатланишига ёрдам беради. Унинг еттига бекати бўлиб, 2007 йилда таъмирланди ва «Mitsubishi» компанияси технологияси билан жиҳозланди. Унга «Bombardier CX-100» поездларидан фойдаланилган. Темирйўл ҳар куни 21 соат тиниб билмайди. «Skytrain» ишламай қолган пайларда бепул автобуслар қатнайд.

Жорий йилда бюджет терминали ўрнида тўртинчи терминал қуриб битказилиши, 2020 йилда бешинчи терминал фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бе-

2017-yil 25-yanvar, № 7 (8968)

ОЙ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

«Science Advances» журналида америкалик геофизиклар Ойнинг фазода қачон пайдо бўлганини аниқлаганига доир мақола берилди.



Ернинг табиий йўлдоши пўстлоғи шакли тахлил қилиниб, унинг ёшини аниқлаш учун 4,51 миллиард йил олдинги даврдан то Қуёш тизими вужудга келганидан кейинги дастлабки 60 миллион йилликка қадар ўтган давр ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотчилар ўз фикрини асослаш учун Ойга юборилган «Apollo 14» миссияси томонидан Ерга олиб келинган цирконнинг (сарик, қизил ва кулранг тусли ялтироқ минерал) саккизта намунасини

уран-қўроғошиннинг радиоизотопларига қараб санасини аниқлаштириш методи асосида ўрганди. Циркон музлаб қолган магма шаклида бўлиб, уранга бой унсур ҳисобланади.

Қолаверса, Ойнинг қачон пайдо бўлганини аниқлаш орқали унинг қаердан ва қандай пайдо бўлганини ҳам билиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ой Қуёш тизими яратилганидан кейин 68—120 миллион йил ўтгач пайдо бўлган, деган фаразни илгари суриш мумкин.

КУЧНИ ТЕЖОВЧИ ЭКЗОСКЕЛЕТЛАР

«Hi-News.ru» манбасида ёзилишича, Ҳарвард университети қошидаги Висса институтида фаолият юритаётган бир гуруҳ олимлар «ReWalk» компанияси ходимлари билан биргаликда инновацион юмшоқ экзоскелет яратишга муваффақ бўлишди.

Мазкур мосламанинг ўзига хослиги шундаки, у юришни 23 фоизга енгиллаштиради. Шунингдек, айрим пайтларда бу кўрсаткич 10 фоизга пасайиши, баъзан эса 38 фоизгача кўтарилиши мумкин. Асосийси, инсон ўз куч-қувватини тежайди.

Американинг DARPA ҳарбий агентлиги воситалари асосида ишланган экзоскелет дастлаб ҳарбий операциялар чоғида аскарларнинг кучини тежаш учун ишлатилиши режалаштирилган.

Висса институти директори Дональд Ингбер, «ReWalk» бош директори Ларри Ясинский ва лойиҳа муаллифи Конор Уолш мазкур мосламани яратиш учун



анча-мунча вақт сарфлади. 7 нафар соғлом эркакдан иборат синов гуруҳи шакллантирилиб, тегишли тажрибалар ўтказилди. Одатий юрган одамлар билан экзоскелет ёрдамида ҳаракатланган кўнгиллиларнинг энергияси таққосланганда, қурилмадан фойдаланганларда 23 фоизгача қувват тежалани тасдиқланди.

Мутахассисларнинг айтишича, тажриба ва синовлар ҳали якунига етмаган. Бунинг учун қўшимча вақт керак.

Боиси, келажакда экзоскелетдан паркинсон, скелероз, insult кabi хавfli касалликлардан жабрланганларни ҳаётга қайтариш учун фойдаланиш мумкин.

Экзоскелет яратиш ва самарадорлигини оширишга доир тадқиқот иши «Science Robotics» журналида батафсил ёритилди.

СМАРТФОНЛАРДАГИ КАМЧИЛИК АНИҚЛАНДИ

«Samsung» корпорациясининг Жанубий Корея пойтахти Сеулда жойлашган штаб-квартирасида «Galaxy Note 7» русумидаги мобиль алоқа воситасининг ўз-ўзидан портлаши сабабларига доир матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Лента»да келтирилишича, «Samsung» компанияси янги техника воситаси сотувга чиқарилишидан олдин етарлича текширилмагани ва муаммолар бартараф этилмагани билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олгач, «Galaxy Note 7» смартфонлари савдо расталаридан қайтариб олинган.

Шундан сўнг бундай нохуш ҳолатлар тақрорланмаслиги учун компания илмий ходимлари, жумладан, консультант ва экспертлар гуруҳи бир қанча илмий изланишларга қўл урди.

Компания муҳандислари бошқа ташкилот мутахассислари билан биргаликда бундай камчилик нима сабабдан юзга келганини аниқлаш учун 200 мингдан ортиқ қурилма ва 30 мингта аккумуляторни синовдан ўтказди. Тадқиқот давомида аккумуляторни лойиҳалаштириш ва қурилмани йиғишнинг технологик жараёнида хатоликларга йўл қўйилгани аён бўлди.

Эслатиб ўтамиз, «Galaxy Note 7» телефонлари ўтган йилнинг август ойида сотувга чиқарилганди. Икки ой ўтиб, «Samsung» корпорациясига фойдаланувчиларнинг смартфон ўз-ўзидан портлаб кетаётгани ҳақида йўллаган шикоятлари кўпайиб кетди. Натижада ушбу русумдаги смартфонлардан бутунлай воз кечилди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедралардаги мавжуд қуйидаги бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:

Профессор лавозимига:

1. «Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75).

Доцент лавозимига:

1. «Умумий математика» кафедраси (1);
2. «Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» кафедраси (1);
3. «Кимё ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
4. «Зоология ва анатомия» кафедраси (1);
5. «Педагогика ва умумий психология» кафедраси (0,75);
6. «Психология» кафедраси (1);
7. «Мактабгача таълим методикаси» кафедраси (1);
8. «Коррекцион педагогика» кафедраси (0,5);
9. «Махсус таълим методикаси» кафедраси (1);
10. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси (1);
11. «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси (1);
12. «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси (0,75);
13. «Умумий педагогика» кафедраси (0,75).

Катта ўқитувчи лавозимига:

1. «Математика ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
2. «Умумий математика» кафедраси (1);
3. «Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
4. «Информатика ўқитиш методикаси» кафедраси (1);
5. «Кимё ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
6. «Биология ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
7. «Ботаника» кафедраси (1);
8. «География ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
9. «Психология» кафедраси (1);
10. «Мактабгача таълим методикаси» кафедраси (0,75);
11. «Инглиз тили амалий курси» кафедраси (1);
12. «Рус тили ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
13. «Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси (1);
14. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси (1);
15. «Қасб таълими методикаси» кафедраси (1);
16. «Меҳнат таълими ва дизайн» кафедраси (0,75);

17. «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
18. «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси (0,75);
19. «Жисмоний маданият» кафедраси (1);
20. «Умумий педагогика» кафедраси (0,5);
21. «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси (1);
22. «Тиллар ва нутқ маданияти» кафедраси (0,5).

Ўқитувчи лавозимига:

1. «Математика ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
2. «Умумий математика» кафедраси (0,75);
3. «Информатика ўқитиш методикаси» кафедраси (1);
4. «Кимё ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
5. «Педагогика ва умумий психология» кафедраси (0,5);
6. «Психология» кафедраси (0,5);
7. «Коррекцион педагогика» кафедраси (0,5);
8. «Махсус таълим методикаси» кафедраси (0,75);
9. «Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси» кафедраси (1);
10. «Инглиз тили амалий курси» кафедраси (1);
11. «Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5);
12. «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси (1);
13. «Қасб таълими методикаси» кафедраси (0,5);
14. «Меҳнат таълими ва дизайн» кафедраси (0,75);
15. «Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
16. «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75);
17. «Ахборот технологиялари» кафедраси (1);
18. «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси (0,5);
19. «Жисмоний маданият» кафедраси (1);
20. «Музыка таълими» кафедраси (0,75);
21. «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси (0,5);
22. «Тиллар ва нутқ маданияти» кафедраси (0,5).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси,
103-уй, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети ходимлар бўлими.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 255-68-70.

Gurung

Хақиқатнинг
чироғи ўчмас...

Отага нисбат бошқага нисбатан шарафлироқ
ва машхуруроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар,
аммо Она эса доимо шафқатли ва матлаблироқ-
дир.

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган
бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ
тўртинчиси бўлма, чунки касодега учраб ҳалок бўла-
сан (жувонмарг бўласан).

Агар бирор қайғу-алам юз берган ёки таъзияли
жойни эшитсанг, дарҳол у ера бор, агар зиёфату
меҳмондорчиликка чақирилсанг, унда ўзинг била-
сан.

Бу ерда ҳақиқатни тинглашдан қулоқлар тўсиб
қўйилгандир.

Одамларнинг энг хотираси кучлиси уларнинг
ичидаги энг унутувчисидир, кўнглиларнинг энг юм-
шоғи салобатлигию шафқатлисидир.

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрона
неъматдир, ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ
таназзулга олиб келади.

Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинларнинг ичи-
даги энг улуғдир, ҳавф-хатар пайтларида уларга
(хавф-хатарга) яқинроғидир.

Тоғнинг энг тепасига(чўққисига) чиққан киши ун-
дан йиқилувдан қоят кўп оғоҳ бўлмоғи лозим.

Худо кўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасрат-
ларнинг кучли еллари ўраб олса, унда дод-
фарёду фиғонларнинг фойда бермас.

Агар сенга ўз биродаринг хиёнат қилса, унга яқин-
лашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан
ўзингни муҳофаза этишига ҳаракат қил.

Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб,
у билан фахрланиши чанқоқ кишининг сув шўла-
си(сароби)ни кўриб алдагани кабилдир.

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда му-
нис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз,
аммо давлату неъматларга эришганингизда бағри-
тошликка мойил бўласиз.

Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам
хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сен-
дан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўнайса,
Оллоҳ таоло вабо юборади.

Ният қилинган ишлар нишмаган гўшт мисоли,
бинобарин, ҳар қандай ишни комил ният-у қаттиқ
ихлос билан қилиш лозим.

Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Оллоҳнинг ри-
золигини ўйла, акс ҳолда қилган ишларининг ҳам-
маси беҳуда бўлиб, зое кетади.

Гуноҳкор бандаларга садоқатли бирор кимса
бўлмас.

Кўпчилик одамларнинг юраги уларнинг пешонаси-
дан ҳам кўра кичикроқ бўлади.

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди,
бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмага-
нидек.

Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси би-
лан заҳарланасан, яхшиши, унинг душманлари жум-
ласидан бўл, шунда унинг оғусиyo заҳматидан қуту-
ласан.

Кўш нурларини беркитиб бўлмаганидек,
ҳақиқат чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

(Абулқосим Махмуд аз-Замахшарийнинг
“Нозик иборалар” китобидан.)

Саримсоқ ва шолғом уруғи толқони юздаги
доғларни яхши кетказади.

Саримсоқ билан зира қайнатмаси — танани
чиниқтиради.

Қичима бўлан киши саримсоқ еса, фойдалидир.

Луқмон Ҳаким
ўғитлари

Майдалаб туйилган сабзи уруғини жароҳатла-
рига сепган киши шифо топади.

Агар инсоннинг бирор аъзоси оғриб қолса, у
кашничнинг кўкидан тўйиб есин. Агар шиш пай-
до бўлса, кашнич уқалаб солиб қўйилган сирка
билан артсин, хасталик чекинади.

Гулхайри уруғи билан сиркадан қилинган
малҳамни офтобруйда ўтириб темиртки тушган
жойига сурган ҳар бир киши тузалиб кетади.

Исирикни толқон қилинг, сувга аралашти-
ринг-да, темирткига суринг — касаллик чеки-
нади.

(«Табобат» китобидан.)



Чашма — мафтункор кишлоқ.
Атрофини қурама тоғлар ўраб
олган. Катта сойнинг икки қир-
ғидаги бир-бирига ўхшамай-
диган уйлар атрофга кўрк ба-
ғишлаб туради. Равшан чол ҳов-
лиси чеккасидаги товуқхонадан
ҳар куни қарийб бир челақ ту-
хум йиғиб оларди.

Кунларнинг бирида Қоратов
томонда товуқхонага тулкилар
тушди, шекилли, кунора
тўртта-бешта зотдор макиён из-

гач, шоша-пиша ишга кириш-
ди. Тошларни ўйиб ўчоқ ясади
ва ичига хас-хашак, тараша сол-
ди. Гугурт чақиб тарашани ўт
олдиргач, қуйруқни челақка
ташлади.

Сўнгра кўзаларнинг бўйини
синдириб, ичига бир бўлакча-
дан гўшт ташлаб, беш-ўн метр
оралиқда териб чиқди.

Равшан бобо мўлжалидаги
ишни амалга оширгач, эшаги-
ни миниб кишлоққа қайтди. Бу

Ўчоқдаги аланга сўниб қолди.
Бир неча сония бетоқат бўлиб
турган тулки, ниҳоят, хатарли
ишга жазм этди. “Бор-эй, тавак-
кал, мендан нима кетди!” деган
ўйда тумшугини кўзанинг ичи-
га чўзди. Мазали гўштнинг ҳиди
унинг ақлу ҳушини ўғирлаган
эди. Ҳийлагар тулки бошини
мўндининг ичига тикиб, кўза
тубидаги гўштни тишлаб тор-
тиди. Оғзига илинган гўштни тиш-
лаб бошини мўндидан чиқар-

Мўнди кийган тулкилар

сиз йўқола бошлади. Чол атроф-
га қопқон қўйди. Айёр тулкилар
темир қопқоннинг ҳидини
олиб, тузоққа чап берарди. Тум-
шуги ингичка, қулоқлари хуш-
бичим, думи узун бу жонивор-
лар қоялар остига бекиниб олиб
атрофдаги ҳар бир ҳаракатни
зийрак кузатарди.

Равшан чол шумқилиқ тул-
киларнинг келадиган йўлига
гўшт бўлакларига дори селиб,
буталар остига ташлаб қўйди.
Айёр тулкиларга бу чора ҳам
кор қилмади. Қария тобора ка-
маяётган товуқларининг қушан-
даларини кўлга тушириш учун
бошқа талбир излади. Бозорга
тушиб, учта сопол кўза сотиб
олиб, ўйлаган режасини бажар-
ишга киришди. Бир бўлак
қуйруқ, уч бўлак гўшт ва челақ
олиб, тоғ этагидаги шудгорлан-
ган ерга эшагини миниб борди.
Кўзланган манзилга етиб кел-

орада офтоб тоғлар ортига беки-
ниб, борлиқни тун қоронғиси
қоплай бошлаган эди.

Тулкиннинг ҳид олиш қобили-
яти кучли эканини чол ҳисобга
олган эди. Пақирда қайнаган
сувда думба эрий бошлади. Та-
раша ловуллаб ёниб, қуйруқ-
нинг ҳиди узоқларга таралди.

Ғоят пухта ўйланган бу иш
олисларда изғиб юрган тулки-
ларнинг оромини бузди. Улар ис
олиб ўнгирларни айланиб,
қуйруқ қайнатаётган жойга
етиб келди. Икки тулки бир-би-
рига гал бермай, шудгор оралаб
югурди.

Йирикроғи мўнди ичида гўшт
борлигини пайқаб, кўзани олд
оёқлари билан нардан-бери ду-
малатиб кўрди. Тоқати тоқ
бўлиб, тумшугини кўзанинг
синдирилган оғзига текизди.

моқчи бўлди, бироқ боши,
бўйнидаги жунлари орқага қай-
рилиб, кўзадан боши чиқмади.
Иккинчи тулки ҳам худди шу
тахлитда мўндини бошига “кий-
ди”.

Равшан бобо эрталаб бу жой-
га етиб келганида мўнди кийган
тулкиларни кўриб, ҳийласи иш
берганидан хурсанд бўлди, ат-
рофни кузата бошлади. Тулки-
лар ўзларини овчига ипсиз бог-
лаб берган эди.


...Келуси йили қишда Рав-
шан бобо тулки телпак кийди.
Кишлоқдошлари уни кутлаб,
қизикчи сўраб-суриштиргач,
қария уларга тулкиларга қандай
қилиб мўнди кийдирганини га-
пириб берди.

(Х. Эшонкуловнинг
“Оқтов ҳикматлари”
китобидан.)

Саҳифани Махмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Спорт —
баркамоллик калити

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси катта ўқитувчи Марямбиби Абдуллаевага турмуш ўртоғи **Мирзабек АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Мусаввир

(Давоми.

Боши 11-бетда.)

Альбомни varaqlashga tutindim yana: "Ибн Сино", "Мирзо Улугбек", "Амир Темур машварати", "Сарбадорлар"... Кўз олдимда бутун бошли тарих гавдалангандек туюлди. "Муқанна"гина эмас, тарих дарсликларида ўрин олган яна бир нечта суратларни кўриш мумкин эди бунда. Рассом "...Яна бор ҳали", деганида шуларни назарда тутган экан-да.

— Тарихий суратлар ижодингизда асосий ўрин эгаллашини сезиш қийин эмас.

— Рассомлик оламига кириб келганимда мени нуқул бир савол ўйлантиради: нима учун тарихимиз тасвирланган суратлар кам? Тан олиш керак, тарихни ҳикоя қилувчи асарлар, манбалар, ёдгорликлар кўп. Бироқ шонли ўтмишимизнинг қисқа бир йили ҳам минглаб, миллионлаб суратга жам бўлиши мумкин-ку. Очиғи, бу мавзуда сурат чиқишининг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Ўша даврга оид китобларни ўқиш, маълумотлар билан обдон танишиш, тарихий ҳужжатларни син-

чиклаб ўрганиш керак. Ўзингиз ўйланг, мана масалан, Темурийлар даврига оид тарихий сурат иш-лашда уларнинг қандай либос кийгани, қурол-яроғи, қўйинги, энг майда деталгача эътибор қаратиш зарур. Ахир, асарда ўша йилларнинг руҳи сезилиб туриши керак-да. Бундай мавзуга энг шимаришдан аввал яна бир ажойиб манбага таянаман. Бу — ўша даврга оид миниатюралар! Улар ўз даврини яққол кўрсатиб турувчи кўзгудек.

— Бирор юмушимиздан кўнглимиз тўлмаса,

қайта бажаришга имкон кидирамиз. Айтинг-чи, сизда ҳам бирор суратингиздан қониқиб ҳосил қилмай, қайта ишлаган пайтларингиз бўлганми?

— Бўлган — "Фобрий". Шу вақтгача уни икки марта қайта ишладим. Лекин ҳар иккисидан ҳам кўнглим тўлмаган.

— Нима учун?

— Ўқигансиз, Фобрийни "Иккинчи муаллим", деб билишади. Бу бежиз эмас. У олим, мусикашунос, файласуф, ҳам ихтирочи. Манбаларда унинг етмишдан ортиқ тил билгани ва 160 дан ортиқ асар ёзгани ҳақида маълумотлар учрайди. Биргина мусика илмини олиб қарайдиган бўлсак, олимнинг янги чолғу яратгани ҳақида ҳам далиллар бор. Шунга ўхшаш турли ҳикоят, ривоятлар... Фобрий меҳмон бўлган мамлакат ҳукмдори уни саройга чақиртириб, куй чалиб беришини сўрайди. Илк куйи янграганда сарой аҳли кулгидан ўзини тўхтатолмайдди.

Кейинги куйдан эса йиғилганларнинг кўзлари ёшланади. Олим яна бир майин куй чаладики, барча ширин уйқуга кетади. Энди айтинг-чи, шундай инсонни бир суратда тасвирлаш осонми?

Атоқли ёзувчилардан бирига амалга ошмаган энг катта орзуси ҳақида савол беришибди. Ўшанда у: "Рассом бўлолмаганим!"



деб жавоб берган экан. "Қанийди, рассом бўлганимда сўз билан ифодаб бўлмайдиган ҳис-туйғуларни мўйқаламда тасвирлар эдим", дея жавобини изоҳлабди у.

Ҳа, моҳир мусаввир мана шундай қудратга эга. Угина қалбингизда жўш ураётган ҳисларга кўзгу тутади. Фақат угина ҳаёдан кечаётган ўйлари, дилдаги изтиробу шодликларини рангларга кўчира олади. Аслида, улар бизнинг ҳам ҳаёдан ўтаётган ўйлари, ич-ичимиздаги шодлигу изтироблар...

Мусаввир билан суҳбатни якунлаб, ортга қайтаётганман. Гоҳ шамолда тебранаётган дарахт шоҳларига, гоҳ парвоздаги қушларга, гоҳ манзилига шошаётган йўловчиларга кўзим тушади. Ичимда англаб бўлмас ҳислар ғалаёни. Қанийди, рассом бўлганимда...

**ЎЗДЖТУ талабаси
Сардор МУСТАФОЕВ
суҳбатлашди.**



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, О'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. T-115. Tiraji 58239.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriga
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

О'zA yakuni — 23.07 Topshirildi — 00.07

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Naybatchi muharrir:

Xayriddinmurod ABULFAYZOV.

Naybatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.